



37  
(1355)-son  
14-sentabr  
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

## УШБУ СОНДА:

**ҲАМКОРЛИК**  
"NOKIA NETWORKS"  
рахбарияти билан  
учрашув бўлиб ўтди  
**2-бет**

**НАЗОРАТ**  
Хоразм вилоятида  
АКТ ҳолати қандай?  
**4-бет**

**ТАКЛИФ**  
Акция ва улушларга  
эр-хотиннинг мулк  
ҳуқуқи қандай? **5-бет**

**ВЗГЛЯД**  
Беларусская  
"Силиконовая долина":  
факты и цифры **6-бет**

**ИНТЕРВЮ**  
Ўқишнинг кечи бўлмайди  
**7-бет**

**ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
Энди компьютер орқали  
SMS йўллаш мумкин  
**13-бет**

**ИБРАТ**  
Аслини билмай, ҳулоса  
чиқарманг **16-бет**

### ЎЗБЕКISTON — БЕЛАРУС

Беларус президенти  
Александр Лукашенко 12-13  
сентябр кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф доирасида шерикликнинг устувор йўналишлари бўйича

**19та** ҳужжат  
имзоланди.

Ўзбекистон — Беларус  
бизнес-форумида

**230 млн.**

доллардан зиёд  
шартнома ва битимлар  
имзоланди.

## ТАТУДА БЕЛАРУС БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ФАКУЛТЕТ ОЧИЛАДИ



Беларус давлат информатика ва радиоэлектроника университети (БДИРУ) ректори Вадим Богущ бошчилигидаги делегация 13 сентябр куни Муҳаммадал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари унiversитетига ташриф буюрди. Ташриф доирасида ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликда юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи муҳокама этилиб, Ахборот технологиялари бўйича қўшма факультет ташкил этиш юзасидан шартнома имзоланди.

Ушбу шартномага асосан, 2019-2020-ўқув йилидан бошлаб, Ахборот технологиялари бўйича қўшма факультетга қуйидаги йўналишлар бўйича абитуриентлар қабул қилинади:

■ ахборот технологияларининг дастурий таъминоти;

■ мобил тизимларини дастурлаш;

■ сунъий интеллект.

Ҳамкорликда очилган Ахборот технологиялари бўйича қўшма факультетда таълим олиш икки босқичда ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, талаба 1-2-босқичларда ТАТУда таҳсил олса, 3-4-босқичларни БДИРУда давом эттиради. Факультетни муваффақиятли яқундаги талаба икки томонлама диплом (ТАТУ-БДИРУ)ни қўлга киритади.

Ахборот технологиялари бўйича қўшма факультетда таълим рус тилида ташкил этилади. Шу сабабли, 2018 йилнинг ноябр ойидан ТАТУда рус тили, математика, физика, информатика асослари ва инглиз тили фанларидан тайёрлов курслари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Тошкент ахборот технологиялари ҳамда Беларус давлат информатика ва радиоэлектроника университетлари ўртасида тузилган ушбу ҳамкорлик шартномаси икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

### ТАҚДИМОТ

ASER ЎЗБЕКISTONDA ФАОЛЛАШМОҚДА:  
УЛТРАБУКЛАРДАН ТОРТИБ  
ГЕЙМЕР ҚУРИЛМАЛАРИГАЧА



12 сентябр куни "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида компьютер техникаси ва қурилмалари ишлаб чиқаришда жаҳон етакчиларидан бири — "Acer" компанияси матбуот анжумани ўтказди.

"Acer Марказий Осиёда" —

матбуот анжумани ана шу шиор остида ўтказилиб, компаниянинг Марказий Осиё бозорларидаги фаолиятининг тортиб, Берлинда ўтказилган "IFA 2018" халқаро кўргазмасида тақдим этилган энг сўнги ишланмаларигача қамраб олди.

9-бет▶

### АНОНС




**24-29** sentabr  
Toshkent, Jizzax

**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA  
TEXNOLOGIYALARI  
HAFTALIGI**

[www.ictweek.uz](http://www.ictweek.uz)





## ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК БЎЛУВЧИ ЯНА БИР ҚАРОР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 сентябр куни "Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.



**Қ**арорга мувофиқ, худудларда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича худудий гуруҳлар ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

- 10 кунда камида бир марта жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш;

- тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларига манзилли

топшириқлар назарда тутилган қарорлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

- худудий гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил асосида аниқланган тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Худудий гуруҳларга эса:  
- худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини, шу жумладан, муришга тўсқинлик қилаётган мақсадли коммуникация, ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани ўрганиш, шунингдек, уларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари маблағларини жалб этган ҳолда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- худудларнинг эҳтиёжи ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва бошқалар) келиб чиқиб, инвестиция киритишни талаб этадиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини ўрганиш ва аниқлаш;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланган ва тегишли ҳудудда амалга ошириш таклиф қилинган истиқболли лойиҳаларни тезкор кўриб чиқиш чораларини кўриш, салоҳиятли инвесторлар билан музокара-лар ва учрашувлар ўтказиш;

- тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини таъминлаш;  
- бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини аукцион савдоларига қўйиш билан боғлиқ масалаларнинг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш;

- жойларда давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоли масалаларни, шунингдек, зарур ҳолларда, истиқболли тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни Комиссияга киритиш;

- вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларининг тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш сингари асосий вазифалари белгилан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 сентябр куни Тожикистон мустақиллиги куни муносабати билан Президент Эмомали Раҳмонни табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 сентябр куни давлат бюджетига тўшумларини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тўлиқ бажариш, 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган макрониктисодий кўрсаткичларга эришиш, пахта-тўқимачилик соҳасида кластерларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12-13 сентябр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Олий даражадаги учрашув ва музокара-ларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалалар муҳокама қилинди, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ мудатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари белгилан олди. Ўзбекистон ва Беларус Президентлари минтақавий ва халқаро сўбатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Олий даражадаги музокара-лар якунида давлат раҳбарлари томонидан Қўшма баёнот ҳамда давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон аёллари ўртасида илк марта таъкил этилган бизнес-форум ва қўшма кооперацион биржа доирасида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурдаги аёллар ва оилавий-демографик сиёсат ишлари бўйича миллий комиссия ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Беларус мамлакатининг йирик автомобил заводи "BelAZ" очик акциядорлик жамияти делегация аъзолари билан "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятида учрашув ўтказилди. Учрашув сўнггида "Ўзбекгидроэнерго" ва "BelAZ" ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Жиззах вилоятида "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармасининг туман ва шаҳар филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 августдаги "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурдаги "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жамғарманинг шаҳар ва туманлар филиаллари вилоят адлия бошқармасида рўйхатдан ўтказилди.

### ҲАМКОРЛИК

## "NOKIA NETWORKS" РАҲБАРИЯТИ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ



Жорий йилнинг 11 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазир Шухрат Содиқов Nokia Networks компаниясининг вице-президенти, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари бўйича раҳбари Мик-



ко Лаванти билан учрашди. Учрашув чоғида телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасидаги кейинги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, Nokia Networks компаниясининг иштирокида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларини жорий

қилиш учун инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Nokia Networks компанияси телекоммуникация тармоқлари учун тўлиқ ечимлар ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчилардан ҳисобланади.

# ИНҲА профессори Ҳусниддин ОЛИМОВ ЁШ ОЛИМЛАР ХАЛҚАРО МАКТАБИДА МАЪРУЗА-ТАҚДИМОТ БИЛАН ИШТИРОК ЭТДИ

Ал-Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети (ҚозМУ)да “Юқори энергияли заррачаларнинг физика ва астрофизикага оид муаммолари” мавзuidaги МДХ мамлакатлари ёш олимлари учун 5-Халқаро мактаби бўлиб ўтди.

Шуниси эътиборга моликки, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг профессори, физика-математика фанлари доктори Ҳусниддин Олимов анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган МДХ мамлакатлари ёш олимлари учун халқаро мактабда ўз маъруза-тақдими билан қатнашган биринчи ўзбекистонлик олим бўлди. Профессор Олимовга ўзи билан бирга яна икки нафар ўзбекистонлик ёш олимни халқаро мактабда тингловчи сифатида иштирок этиши учун таклиф қилиш имконияти берилди.

Ҳусниддин Олимов тавсиясига кўра, Ўзбекистон Миллий университетининг икки нафар ёш PhD докторанти — Шаҳноза Канокова ва Шохрух Тожиматовлар мазкур мактабда тингловчи сифатида қатнашдилар. Уч нафар Ўзбекистон вакилининг халқаро мактабдаги иштироки билан боғлиқ барча харажатлар МДХга аъзо давлатлар ўртасидаги Давлатлараро гуманитар ҳамкорлик фонди томонидан тўлиқ қопланди.

Халқаро мактаб ишида юқори энергияли физика ва астрофизика соҳасидаги етакчи



олимлар маърузачилар сифатида ҳамда Россия, Қозоғистон, Украина, Ўзбекистон, Беларус, Молдова, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон ва Қирғизистондан тингловчилар

— ёш аспирант ва докторантлар, жами 60 нафар иштирокчи қатнашди. Ёш олимлар халқаро мактабининг асосий мақсади — юқори энергияли физика ва астрофизика соҳасида стук ёш мутахассислар тайёрлаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасидаги таълимий, илмий ва маданий алоқаларни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Қувонарлиси, Ҳусниддин Олимовнинг юқори энергияли ядровий тўқнашувларда ҳосил бўлган заррачаларни таҳлил қилиш методикасига бағишланган маърузаси ҳам қатнашчилар, ҳам халқаро мактаб ташкилотчилари томонидан юқори баҳоланди ҳамда диплом ва эсдалик совғаси билан тақдирланди.

INFO@ICTWEEK.UZ

## ICTEXPO-2018ДА КЎРГАЗМА МАЙДОНИГА ЭГА БЎЛИШ УЧУН ОНЛАЙН РЎЙХАТДАН ЎТИШ МУМКИН

“Онлайн рўйхатдан ўтиш рўйхатдан ўтказиш ва павилионларга ўтиш учун номингизга бериладиган бейжикни олиш вақтида вақтингизни тежаш имконини беради”

Sohaning eng ahamiyatli tadbiri  
**AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA  
TEKNOLOGIYALARI HAFTALIGI**  
Information and Communication  
Technologies Week 2018

**24-29** sentabr  
Toshkent, Jizzax  
[www.ictweek.uz](http://www.ictweek.uz)

MITC



Аввал хабар берганимиздек, 26 сентябрдан 28 сентябрга қадар ICTEXPO-2018 йиллик кўргазмаси Тошкент шаҳрида ва 26-27 сентябр кунлари ICTEXPO-2018 минтақавий кўргазмаси Жиззах шаҳрида бўлиб ўтади.

ICTEXPO-2018 АКТ кўргазмасининг асосий мақсади ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасидаги ютуқларни намойиш этиш, экспертлар ҳамжамияти майдонини кучайтириш ҳамда миллий бозор субъектлари афзалликларини рақобатбардошлигини кучайтириш. Шунингдек, таклиф ва талабни қондиришга ва қўшма ташаббусларни мумкин учун АТ-бизнес ва истеъмолчиларнинг кенг доира ичида бевосита алоқалар ўрнатишдан иборат.

Бу йил Тошкент шаҳрида, анъанага кўра, кўргазма 26-28 сентябр кунлари МКК “Ўзэкспо-марказ”да бўлиб ўтади ва биринчи икки кун В2В

форматида, учинчи кун эса В2С форматида ўтказилади.

Жиззах шаҳридаги ICTEXPO-2018 минтақавий кўргазмаси эса Истиқлол-12 манзили бўйича Олимпия захиралари коллежида бўлиб ўтади.

ICTEXPO-2018 кўргазмаси доирасида нафақат хусусий ва қўшма корхоналар, балки хорижий компанияларнинг ҳам маҳсулотлари ва технологиялари намойиш этилади. Тошкентдаги кўргазманинг потенциал ва манфаатдор иштирокчилари 10 кв.м.дан зиёд кўргазма майдонини ушбу тadbирнинг сайтыда онлайн тарзда бронлашлари мумкинлиги муҳим ва жуда қулайдир, унда стендлар ҳамда ICTEXPO-2018 захираланган иштирокчилари киритилган интерфаол хаританинг схемаси мавжуд. Кейинчалик кўргазмада иштирок этиш учун ариза формасини юклаб олиш, шунингдек, рўйхатдан

ўтказиш қоидалари, иштирок этиш шартлари ва тартиби билан танишиб чиқиш лозим.

Кўргазмага ICTEXPO-2018 меҳмони сифатида ташриф буюриш учун расмий сайтда рўйхатдан ўтиш ва QR кодни олиш керак. Бу, ўз навбатида, рўйхатдан ўтказиш ва павилионларга ўтиш учун номингизга бериладиган бейжикни олиш вақтида вақтингизни тежаш имконини беради ёки ҳар қандай ташриф буюрган меҳмон тadbир ўтказиладиган кун рўйхатга олиш жойларидан бирини рўйхатдан ўтиши мумкин.

Тўлиқ маълумот учун +99895 146-63-44, +99895 144 04 40 ёки +99895 142 44 42 рақамига қўнғироқ қилишингиз ёки [info@ictweek.uz](mailto:info@ictweek.uz) манзилга ёзишингиз мумкин. Жиззах шаҳридаги минтақавий кўргазмада иштирок этиш масалалари бўйича: +998 93 383 99 79 рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАНЛАР УЧУН ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий меҳнатга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар” мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мажбурий меҳнатга қарши курашиш мақсадида махсус ишонч тармоқларини ишга туширгани маълум қилинди. Эндиликда мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кузатилганда вазирликнинг @mehnatuqqobot телефон тармоғига хабар йўллаш ёки 200-06-01, 1092 телефон рақамларига қўнғироқ қилиш мумкин.

Ҳар бир муурожаат бўйича тезкор чора-тадбир қўрилади. Бундан ташқари, пахта йиғим-теримида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва ихтиёрий равишда пахта теримига чиқиш истагида бўлган фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун @terimuzbot телеграм тармоғи ҳамда [terim.uz](http://terim.uz) сайти фаоллаштирилди.

Ўз мухбиримиз

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА АКТ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

“Туямўйин-Урганч” минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси” ДУКда умумий ҳужжат алмашинувида электрон кўришидаги ҳужжатларнинг айланиши бор-йўғи саккиз фоизни ташкил қилади.

Президентимиз ҳузурида 2018 йилнинг 9 январдаги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги раҳбарлари ҳисоботи юзасидан ўтказилган мажлис баёнининг 18-бандига мувофиқ, мамлакатимизнинг барча вилоят ҳокимликларига ҳар ойнинг 5 санасига қадар вазирликлар ва идораларнинг ҳудудлардаги бўлинмалари билан биргаликда жойларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиш ва бу соҳадаги ишларни янада фаоллаштириш чораларини белгилаш топширилган.

Давлат раҳбари томонидан белгиланган ушбу топшириқларни бажарилишини таъминлаш мақсадида Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ўрганишлар жадвалига мувофиқ жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда “Ўзалоқаназорат” Хоразм вилояти ҳудудий

инспекцияси ходимлари Хоразм вилоятидаги Ҳудудий газ таъминоти филиали, Халқ таълими, Ветеринария ва Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармалари ҳамда “Туямўйин-Урганч” минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси” давлат унитар корхонасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказди.

Ўрганишлар жараёнида юқорида қайд этилган аксарият корхона ва ташкилотларда ходимлар компьютер техникаси билан тўлиқ таъминланмаганлиги, локал тармоқ ва қурилмалар белгиланган техник талабларга мувофиқ эмаслиги, АКТ ва ахборот хавфсизлиги бўйича масъул ходимлар тайинланмаганлиги, тегишли ходимларнинг ушбу йўналишлар бўйича малакаси оширилмаганлиги, электрон ҳужжат айланиши тизимлари мавжуд эмаслиги ёки ушбу тизим мавжудлигида ундан самарали фойдаланилмалик ҳамда бошқа бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, “Туямўйин-Урганч” минтақалараро сув

қувурларидан фойдаланиш бошқармаси” ДУКда умумий ҳужжат алмашинувида электрон кўришидаги ҳужжатларнинг айланиши бор-йўғи саккиз фоизни ташкил қилади.

Ўрганишлар натижалари вилоят ҳокими раислик қилувчи Хоразм вилояти АКТни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгаш томонидан ҳар ой якуни бўйича йиғилишларда танқидий кўриб чиқилиб борилмоқда ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқлар берилиб, бажарилиши ўрнатилган тартибда назоратга олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги “Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 102-сонли қарори ижроси юзасидан “Ўзалоқаназорат” томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият орган-

ларида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилмоқда ҳамда мазкур ўрганишларда Хоразм вилояти ҳудудий инспекцияси мутахассислари ҳам қатнашиб келяпти.

Шу йилнинг ўтган даври давомида вилоят ҳудудий инспекция томонидан вилоят ҳокимлиги, Ўрта-махсус, касб-хўнар таълими маркази, АКТ вазирлигининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида АКТни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан хулоса ва тақлифлар берилди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаларининг бажарилиши ҳудудий инспекция томонидан назоратга олинган.

**Х.МАВЛОНОВ,**  
“Ўзалоқаназорат” Хоразм вилояти ҳудудий инспекцияси ахборот хавфсизлиги, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида АКТни жорий этиш бўлими бошлиғи

### МУНОСАБАТ

## БОЖХОНА ҚўМИТАСИ ИНТЕРНЕТДА ТАРҚАЛГАН МАҚОЛАГА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ

Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курерлик жўнатмалари орқали келаятган товарлар учун жорий қилинган божсиз олиб кириш меъёрлари юзасидан ҳар қандай савол ва мурожаатларга ўз вақтида жавоб беришга тайёр эканлигини маълум қилади.

Яқинда “Telegram”даги “Журналист”, “Davletovuz” каби ахборот каналлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш халқни соғини ҳисобигами?” сарлавхали материал эълон қилинди.

Унда четда харид қилинган ва халқаро почта тизимлари орқали олиб келинаётган товарларни олишда қатор муаммоларга дуч келинаётганлиги қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатдан юборилган почта ва курерлик жўнатмаларини қабул қилмоқчи бўлганимизда, ушбу жўнатмалар учун божхона тўловлари ундирилмайдиган тегишли меъёрлар белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курерлик жўнатмалари орқали келаятган товарлар назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ушбу меъёрлар аниқ белгиланган.

Келинг, дастлаб халқаро почта ва курерлик жўнатмаларининг бир-биридан фарқини келтириб ўтсак. Чунки, илгари халқаро почта ва курерлик жўнатмаларини қабул қилмаган ҳар қандай киши бу иккала жўнатманинг бир-биридан фарқини билмаслиги мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунига биноан, почта жўнатмалари бу — манзили

кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посылкалар ва тегишли ўрвадаги босма нашрлар. Курерлик жўнатмаларига эса жўнатилиши қисқа муддатларда қўлдан-қўлга етказиб берилган (топширилган) ҳолда амалга ошириладиган почта varaқчалари, хатлар, бандероллар, посылкалар, босма нашрлар кирилади.

Юқоридаги қарорга мувофиқ, халқаро почта жўнатмаларини қабул қилаётган жисмоний шахслар 100 АҚШ долларига тенг бўлган қийматдаги товарлар учун бож тўловларини тўламайдилар.

Шунингдек, жисмоний шахслар ҳар чоракда бир маротаба курерлик жўнатмалари орқали 1 000 АҚШ долларига қийматига тенг бўлган товарларни божсиз қабул қилиб олишлари мумкин.

Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларнинг қандай мақсадга мўлжалланганлигини аниқлашда товарларнинг миқдори ҳисобга олинади ва бунда товарларни олиб ўтаётган жисмоний шахс ва унинг оида аъзолари эҳтиёжларидан ортиқ миқдордаги бир турдаги товарларга, агар товарларни олиб ўтаётган шахс аксини исботлаб бермаса, тadbиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун олиб кириладиган товарлар деб қаралади ва қонун ҳужжатларига биноан олиб кириладиган товарларнинг барча суммасига нисбатан божхона расмийлаштирувнинг умумий қоидалари қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, товарларни почта ва курерлик

жўнатмалари орқали қабул қилишда амалдаги божсиз олиб кириш меъёрларини сунистеъмоқ қилишга бўлган уринишлар кўплаб учрамоқда. Масалан, яқинда аниқланган қуйидаги ҳолат ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Сингапурдан пойтахтимизда истикомат қилувчи фуқаро Р.Р. номига почта жўнатмаси орқали 1 дона “Replica Xiaomi Phone Mi 8 Snapdragon” маркали телефон буюрилган. Ушбу жўнатмага тегишли CN-23 шаклидаги божхона декларациясида мазкур телефоннинг нархи 49 АҚШ долларига қилиб кўрсатилган.

Аммо, таҳлиллар давомида божхоначилар декларациядаги мазкур маълумот нотўғри эканлигини аниқлашган. Жумладан, почта жўнатмасини қабул қилувчи шахс ушбу телефонга интернетдаги “AllExpress Standard Shipping” онлайн дўконига 300 АҚШ долларига буюртма бергани маълум бўлди.

Кўриниб турибди-ки, ушбу ҳолатда қиймати 100 АҚШ долларидан юқори бўлган товарнинг нархини асосиз равишда пасайтириб, 49 АҚШ долларига қилиб кўрсатиш орқали, ушбу телефонни божсиз олиб кириш меъёрлари сунистеъмоқ қилинган.

Ушбу ҳолатда божхона ходимлари мазкур 300 АҚШ долларлик телефоннинг божсиз олиб киришга рухсат этилган 100 АҚШ долларини четгириб ташлаб, қолган 200 АҚШ долларини ушбу белгиланган тартибда давлат бюджетига тегишли божхо-

на тўловларини ундиришган.

Ижтимоий тармоқларда халқаро почта ва курерлик жўнатмаларини қабул қилаётган жисмоний шахслар учун жорий қилинган товарларни божсиз олиб кириш меъёрларига нисбатан турлича ёндашувлар кузатишмоқда.

Жумладан, кимдир буни маъмурий чеклов сифатида баҳоласа, кимдир маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун қабул қилинган чора сифатида таъкидламоқда.

Аслида эса ушбу меъёрлар жисмоний шахсларнинг манфаатлари ҳар томонлама инобатга олинган ҳолда қабул қилинган дейишимиз мумкин.

Чунки, жисмоний шахснинг ҳар чоракда 1000 АҚШ долларига, йил давомида эса 4000 АҚШ долларига тенг товарларни ўз эҳтиёжи учун бож тўламастан олиб кириши юртимизда яшаётган ҳар бир шахснинг четдан савол ва арзон товар олишини тўлиқ қафолатлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига жисмоний шахслар номига халқаро почта ва курерлик жўнатмалари орқали келаятган товарлар учун жорий қилинган божсиз олиб кириш меъёрлари юзасидан ҳар қандай савол ва мурожаатларга ўз вақтида жавоб беришга тайёр эканлигини маълум қилади.

Давлат божхона қўмитаси  
Ахборот хизмати

# АКЦИЯ ВА УЛУШЛАРГА ЭР-ХОТИННИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Мулк ҳуқуқи – бу инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги ва хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.



Акцияларга нисбатан мулк ҳуқуқи битта шахсга тегишли бўлган ҳолда акциядор томонидан юқоридagi ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш қоидалари қонунда аниқ белгилаб қўйилган: акциядор ҳуқуқларини шахсан ва ёки қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда вакили орқали амалга ошириши мумкин. Аммо акциялар умумий мулк ҳуқуқи, хусусан, умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи объекти бўлган, масалан, эр ва хотинга мазкур ҳуқуқда тегишли бўлган ҳоллар қонунда қандай ва қай даражада аниқ ёритилганлигига эътибор қаратсак.

Акция умумий мулк ҳуқуқи объекти бўлган ҳолда тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси 2-қисмида шундай дейилган: “Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади”.

Мазкур моддага биноан умумий мулк объекти бўлган акция, яъни 1 донга акция (мазкур моддада “акция” сўзи бирлик сонида қўлланилганидан келиб чиққан ҳолда) мулкдорлари ўз ҳуқуқларини шахсан эмас, фақат умумий вакил орқали амалга оширишлари мумкинлиги ва қонуннинг бу нормаси акциянинг бўлинмаслигидан ва акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз” принципи роя қилиш шартлигидан келиб чиққанлиги аниқ эканлиги билан бир пайтда, бир донга эмас, балки биттадан ортиқ акция умумий мулк объекти бўлган ҳолда мулкдорлар ўзларининг ушбу акциялар билан тасдиқланган ҳуқуқларидан, масалан, умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқидан

қандай тартибда фойдаланишлари мумкинлиги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда аниқ ёритилмаганлиги эътиборга лойиқ муаммодир.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақларида амалга оширилиши, жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилиши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларнинг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлиши “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг тегишли моддаларида белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 216-моддасида икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидagi улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Бирор бир акциядорлик жамиятининг акцияларидан бир қисми (акция пакети) Оила кодексининг 23-моддасига биноан эр билан хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва лекин депо ҳисобварақасига ва акциядорлар реестрига эр киритилган-у аммо унинг жамият акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш имконияти йўқ бўлганлиги учун мазкур йиғилишида умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқининг

субъекти сифатида хотин иштирок этмоқчи бўлган ҳолни мисол қилиб олайлик.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилиши тўғрисидаги қонун нормасидан келиб чиқсак, биз юқорида баён қилган ҳолда хотин фақат эрнинг ишончномасига асосан йиғилишида қатнашиши мумкин, аммо бундай ҳолат хотиннинг акцияларга бўлган умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи моҳиятига тўғри келадими, деган савол тугилади. Чунки Оила кодексининг 24-моддаси, 1-қисмида эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулк бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Депо ҳисобварақасига эр ёки хотиндан қайси бири киритилганлигидан қатъи назар, уларнинг жамият акциялари пакети билан тасдиқланган ҳуқуқларини амалга оширишида тенгликни таъминлаш механизми амалдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳали яратилмаган, деган хулосага келсак бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда жамият устав фондидаги иштирокчиларга тегишли бўлган улушлар умумий мулк ҳуқуқи объекти бўлганда мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисида норма мавжуд эмас.

Акциядорлик жамиятларида жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш қимматли қоғозлар эгаларининг депо ҳисобварақларида амалга ошириладиган бўлса, масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари таркиби жамият таъсис шартномасида кўрсатилади (“Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси).

Таъсис шартномасига эр ёки хотиндан қайси бири улуш эгаси сифатида киритилганлигидан қатъи назар, уларнинг масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамиятнинг устав фондидаги улушларига нисбатан ҳуқуқларини амалга оширишда ҳуқуқлари Оила кодексининг 24-моддаси, 1-қисмига биноан тенг деб эътироф этилади.

Умумий биргаликдаги мулк субъектларидан бирининг ўрнига бошқасининг исми-шарифини уларнинг кўшма аризасига биноан жамиятнинг таъсис

шартномасига киритиб, қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда таъсис ҳужжатларини қайта рўйхатдан ўтказилиши Оила кодексининг юқорида баён қилинган нормаларига мувофиқ бўлади.

Аммо “Масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда улушларга нисбатан умумий мулк ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисида нормалар мавжуд эмаслиги сабабли мазкур қонуннинг 20-моддасига биноан таъсис шартномасида жамият иштирокчиларининг таркиби ўзгариши жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги (устав капиталлиги) улушининг (улуши бир қисмининг) жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга ўтиши каби қоидаларни қўллаш талаб этилади, деган хулосага келиш ҳам мумкин.

Эр билан хотин жамият таъсис ҳужжатларига бирининг ўрнига иккинчисини киритиш зарур бўлган ҳоллар бўлиб туради. Масалан, эр ёки хотин узоқ сафарга кетиши ёки узоқ вақт бек бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Шундай вазиятда эрнинг ёки хотиннинг ишончнома билан турмуш ўртоғига вакиллик ваколатини бериши уларнинг жамиятдаги улушга бўлган умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқлари моҳиятига умуман тўғри келмайди. Аммо масалани ҳал қилиш керак бўлади. Шунда улар бир-бирлари билан улушдан воз кечиш тўғрисида шартномани оддий ёзма шаклда тузатиладиган ва шунинг асосида жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритилади. Бироқ бу шартнома билан эр ёки хотин ҳақиқатан ҳам улушга бўлган ҳуқуқдан воз кечишни назарда тутмаган бўлади.

Бирининг ўрнига иккинчисининг исми-шарифини таъсис шартномасига ёзиб қўйиш умумий биргаликдаги бўлган мулк объекти бўлган улуш уларнинг бирдан иккинчисига воз кечишига тенглаштириш юз бериши мумкин, чунки 20-моддада жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги (устав капиталлигидаги) улушининг (улуши бир қисмининг) жамиятнинг бошқа иштирокчиларига ва учинчи шахсларга ўтиши фақат воз кечиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридagi муаммолар масалалар қонунчиликда ёритилиши акциялар ва улушларга бўлган умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқини амалга оширишда қўлайликлар яратган бўлар эди.

**Раъноҳон ЭГАМОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирлиги қошидаги  
Юристарлар малакасини  
ошириш маркази тингловчиси

Таъсис шартномасига эр ёки хотиндан қайси бири улуш эгаси сифатида киритилганлигидан қатъи назар, уларнинг масъулияти чекланган ёки кўшимча масъулиятли жамиятнинг устав фондидаги улушларига нисбатан ҳуқуқларини амалга оширишда жамият Оила кодексининг 24-моддаси, 1-қисмига биноан тенг деб эътироф этилади.

# БЕЛАРУССКАЯ "СИЛИКОНОВАЯ ДОЛИНА": ФАКТЫ И ЦИФРЫ

Парк высоких технологий (ПВТ) — особая экономическая зона в Беларуси для IT-компаний. Парк был создан в 2005 году, сегодня в нем 237 резидентов. Проект амбициозный, и власти страны возлагают на него много надежд. По словам министра иностранных дел Владимира Макея, правительство рассчитывает, что благодаря этому парку республика Беларусь станет Силиконовой долиной Восточной Европы.

● Мобильными приложениями, разработанными компаниями-резидентами ПВТ, пользуется более 1 миллиарда человек в 193 странах мира

● В ПВТ разрабатываются одни из самых популяр-



льных приложений в мире

● В Парке разработана компьютерная игра, вошедшая в топ-5 самых прибыльных многопользовательских игр в мире

● Пять из десяти крупнейших мировых корпораций (согласно рейтингам Forbes) являются заказчиками Парка высоких технологий

● Среди резидентов ПВТ крупнейший поставщик услуг в области разработки проектного (заказного) программного обеспечения и решений в Центральной и Восточной Европе

● Шесть компаний-резидентов ПВТ входят в рейтинг 100 лучших аутсорсинговых компаний мира — The Global Outsourcing 100®

— по версии Международной ассоциации профессионалов аутсорсинга

● Каждый год в ПВТ появляется новый успешный проект: игра "Мир танков", компании Aralon, Aimatter, приложения Viber, Juno, MSQRD

● Более 30 % сотрудников Парка — женщины

● Более 50 % сотрудников Парка — молодые люди и девушки до 28 лет

● Компании из 67 стран мира являются заказчиками Парка высоких технологий

● 91% производимого в Парке программного обеспечения идет на экспорт. 43,2% поставляется в США, 49,1% — в страны Западной Европы, 5,3% — в Россию и СНГ.

## ЭКОНОМИКА

### UZCARD ЗАПУСТИЛ УСЛУГУ ХОЛДИРОВАНИЯ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ

Единый общереспубликанский процессинговый центр запустил услугу холдирования денежных средств, что позволит держателю банковской карты «замораживать» средства до получения товара или услуги.

Холдирование (от английского hold — держать) — удержание банком-эмитентом суммы проведенной оплаты по банковской карте в ожидании расчета от эквайера.

Смысл услуги в том, что

пользователь может заказать товар и «заморозить» средства, чтобы при обнаружении дефекта вернуть товар обратно и не потратить деньги.

Средства с карты при этом не снимаются, они остаются на счету до того момента, пока пользователь не приобретет или не откажется от заказа. Отказавшись от товара, держатель карты не теряет сумму, а лишь снимает ее с холдирования и она остается на балансе карты.



## АНОНС

### США ПРОВЕДУТ В ТАШКЕНТЕ ЦЕНТРАЛЬНО-АЗИАТСКИЙ ТОРГОВЫЙ ФОРУМ

Восьмой ежегодный Центрально-Азиатский торговый форум, организуемый Агентством США по международному развитию (USAID) и Министерством внешней торговли Узбекистана, состоится 17-18 октября 2018 года в Ташкенте. Это первое мероприятие такого масштаба, которое США проведут в Узбекистане, сообщили в американском посольстве.

Тема форума — «Новые горизонты в развитии торговли и инвестиций». Она отражает растущую открытость Центральной Азии для региональной и международной торговли, особенно в Узбекистане. В республике предпринимаются ряд мер от валютной либерализации до реформ в бизнес-секторе, направленных на ускорение темпов экономического роста.

Параллельно с форумом состоится торговая выставка, где будут представлены предприятия из различных секторов по всему региону, включая транспорт, туризм, информационные технологии, оборудование, производство и переработку плодоовощной продукции, и другие.

## ФОРУМ

### В ТАШКЕНТЕ ЭКСПЕРТЫ ОБСУДИЛИ ВОПРОСЫ ИННОВАЦИЙ В СОЦИАЛЬНОЙ СФЕРЕ

В Ташкенте прошел международный форум на тему «Инновации в социальной сфере как важный фактор развития общества», в котором приняли участие представители соответствующих министерств и ведомств, а также зарубежные эксперты.

Форум был организован Центром «Стратегия развития» совместно с Министерством инновационного развития Республики Узбекистан и представительством фонда им. Конрада Аденауэра в Узбекистане. Основная цель форума заключалась в обсуждении вопросов ускоренного инновационного развития всех отраслей экономики и социальной сферы, а также в разработке рекомендаций на основе передового зарубежного опыта, современных достижений мировой науки, инновационных идей, разработок и технологий.

Темами обсуждения стали внедрение современных инноваций в систему образования и здравоохранения, развития международного сотрудничества и другие актуальные на сегодняшний день вопросы.




## ЭНЕРГЕТИКА

### HEADWALL POWER УСТАНОВИТ СОЛНЕЧНЫЕ ПАНЕЛИ В СУРХАНДАРЬЕ

Американская Headwall LLC инвестирует 1,2 млрд. долларов в сферу возобновляемых источников энергии в Сурхандарьинской области, сообщила пресс-служба областного хокимията.

Проект предусматривает установку в Кызырыкском районе солнечных панелей мощностью от 300 МВт до 1 ГВт. На первом этапе в качестве эксперимента панели появятся на 490 домах на массиве Бандихон.

Ранее Узбекистан договорился с канадской SkyPower Global реализовать на 1,3 млрд. долларов проекты по выработке фотоэлектрической солнечной энергии общей мощностью 1000 МВт.



# ЎҚИШНИНГ КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

Юртимиз таълим тизимида кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, таълим сифатини ошириш, статистик маълумотлар олиб бориш, масофавий таълимни йўлга қўйиш, қайта ўқитиш курсларини ташкил этиш, кредит тизimini жорий қилиш, электрон деканат тизимларини шакллантириш шулар жумласидандир. Булардан ташқари, изчил ҳамкорликлар натижасида ёшларимизнинг хорижий давлатларда таъсил олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Янжоу университети туризм менежменти факултети талабаси Каримжон УММАТОВ билан нафақат юртимиз, балки хориж таълим тизими, ютуқ ва камчиликларимиз ҳақида суҳбатлашдик.

— Каримжон, айтингчи, чет эл олийгоҳлари ва юртимиздаги олийгоҳлар ўртасида қандай фарқ бор? Аввало, шу ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Таълим ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, ҳар қандай давлатнинг қудра-

ти ва ривожланиш даражасини айнан таълим тизими аниқлаб беради ҳамда давлатнинг ушбу тизимга муносабати, унинг келажагини белгилайди. Ҳар бир мамлакат ўзининг ички имкониятлари ва ижтимоий қарашларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизimini шакллантиради. Айнан шунинг учун ҳам давлатлар таълим тизimini бири-биридан фарқ қилади. Масалан, республикаларимизда узлуксиз таълим бир неча босқичларда, хусусан, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус ва касб-хунар таълими, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим каби босқичларда амалга оширилатганини

кўришимиз мумкин. Ривожланган кўплаб мамлакатларда, хусусан, Хитой давлатида ҳам шунга ўхшаш таълим тизими шакллантирилган бўлиб, мажбурий таълим 6 ёшдан бошлаб 9 йил давом этади. Шундан 6 йили бошланғич таълим бўлиб, ўрта таълимни 1-босқичи 3 йил давом этади. Олий таълим муассасасига киришни хоҳлаганлар “Олий мактаб”да яна 3 йил ўқишлари керак. Олий таълим муассасасида ўқитган талабаларга эса кўплаб компанияларда тажриба орттириш, дунёнинг турли бурчакларида таъсил олаётган талабалар билан фикр алмашини имконини берувчи кўплаб дастурлар йўлга қўйилган. Буларга ёрқин мисол сифатида, ҳозирги кунда Хитой давлати дунёнинг турли давлатларидан келган иқтидорли талабаларга турли олий таълим муассасаларида грант асосида таълим олиш имконини бераётганини айтиш мумкин.

Бунда Хитой давлати мослиштирилган жиҳатларини, жумладан, дарсларнинг интерактив усуллардан ҳамда кредит тизими-

Каримжон Уматов 1995 йили Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида туғилган. СамТИнинг 1-академик лицейида ўқиган. Ҳозирда ХХРнинг Янжоу университетида туризм менежменти мутахассислиги бўйича таъсил олмоқда. Қизиқишлари — журналистика, туризм, турли форумлар ўтказиш. “Dream Life Company” асосчиси ва раҳбари. Шiori — Янгилкка интилиб яша.

дан фойдаланган тарзда олиб борилиши, ўзлаштириш даражасига қараб талабаларга турли энгилликлар тақдим қилиниши, кишики ва ёзи таълимнинг муддатлари ҳамда ҳар хил маданият алмашинуви қунарларнинг ташкил қилиниши, талабаларнинг йилда икки бор турли провинцияларга бепул саёҳатларининг ташкил қилиниши каби кўплаб имтиёزلарни айтиб ўтишимиз мумкин.

— Юртимизда ҳам масофавий таълим, контракт тизими секни-аста амалга оширилмоқда. Бу ҳақидаги фикрингиз?

— Хабарим бор, юртимизда ҳам бу борда кўплаб янгилликлар жорий қилинмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомлани тасдиқлаш ҳақида”ги қарориди сиртки ва кечки таълим, талабалар учун масофалан туриб таълим бериш белгиланган. Бу жуда ҳам яхши қарор бўлиб, ёшлар учун олий таълим олиш имкониятини кенгайтиради.

— Онлайн ўқиш-чи?

— Онлайн ўқитиш платформаси юртимизда таълим тизими-

ни янада кучайтиришга, имконияти чекланган талабаларга таълим олишда қудайликлар яратди. Таълимнинг оддий тури маълум бир чегараларга эга бўлса, масофавий таълимда эса бунга ўрин қолмайди. Дунёнинг исталган бурчдаги берилаётган дарсларни ўзлаштириш, вақт тежамкорлигини оширишда жуда қўл келади. Албатта, шундай имкониятлар юртимиз талабаларига ҳам тақдим қилинаётгани қувонарли ҳолдир ва биз бу борда бир қанча ишларни бошлаб юбордик.

— Ҳўш?..

— Ҳозирда Хитойнинг нуфузли таълим ташкилотларидан бири CUECC билан биргаликда янги инновацион таълим йўналишларини олиб боришни бошладик. Ҳамфикр дўстларимиз Акбар Муҳторов, Темур Дўстназаров ва Миржаҳон Язлов ва Миржаҳон Язлов билан бирга “Dream Life Company” деб номланган компания ташкил қилдик. Бунда биз юртимиз ёшларига хитой ва инглиз тилларида дарслар бериш, ҳар чоракда чет эллик ўқитувчилар билан умумийлаштирилган дарс жараёнларини ташкил этиш, турли хил мастер-класслар олиб бориш каби янгилликларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Жорий йилнинг октябр ойидан бошлаб талабаларга дарс беришни бошлайдиган бўлсак, декабр ойида эса Zhejiang Texnologiya Universiteti ўқитувчиси, профессор Лиу Хуи билан биргаликда “Хитой ва ўзбек ёшларининг қўшма дарслари”ни масофавий таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил қилмоқчимиз. Бу, менимча, талабаларимизнинг янада руҳланишига, янгидан-янги билимларни ўзлаштиришига ҳисса қўшади.

— Лойиҳаларингиз фақат талабалар ва таълим олиш учунми?

— Биласизми, биз, ҳар бир киши ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса ҳам муносиб таълим олишга ҳақлидир, деган тамойилга ишонамиз ва амал қиламиз. Шунинг учун ҳам олиб бораётган фаолиятимизда ёш қарига наф келтирадиган лойиҳаларни ҳам амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Масалан, турли форум ва мастер-класслар ташкил қилиш орқали нафақат ёшларимизга, балки кўплаб соҳаларда ўз ўрнига эга бўлган тадбиркорларимиз, интилувчан инсонларга янги имкониятлар, гоёлар беришга ҳаракат қиламиз. Чунки, жамиятимиз ривож бачамизга боғлиқ. Ёшларимиз бирор соҳада янгилликлар қилишса, уларни тушуниш учун катта ёшдагилар ҳам бироз янгича қарашларга эга бўлиши керак. Қолаверса, форумлар, мастер-классларда ёши катта фуқароларимиз ўзлари учун янгилликларни кашф этган ҳолда ўз тажрибалари, дуч келган қийинчиликлари билан ўртоқлашса, фойдалан ҳоли бўлмайди. Ҳеч қачон ўқитишнинг кечи бўлмайди, ахир халқимиз ҳам “Бешикдан қабргача илм изла” деб беқорга айтаман. Шунинг

учун янги бир тилни ёки билимни ўзлаштиришда маълум бир чегаранинг бўлиши мумкин ҳам эмас. Dream Life Company эшиклари эса юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун очик.

— Инновация ва таълим. Сизнингча, булар қанчалик бир-бирига яқин?

— Ҳаётда ҳар бир янги кунимдан янги билим олишга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, мустақил юртимизнинг кўплаб ёшлари ҳам худди шундай фикрлайдилар. Қўлдан кўплаб саёҳатларим давомидида шунга амин бўлдим-ки, таълим, туризм ва инновация бир-бири билан боғлиқдир. Таълим қанчалик мустақам бўлса, дунё эшиклари шунчалик кенг очилади, дунё тажрибаларини кўриб ўрганган юртдошларимиз қанчалик кўп бўлса, юртимизда инновацион гоёларнинг яратилиши ҳам шунча кўп бўлади. Чунки инсон ҳар доим кўриб ўрганган нарсаларидан фикр қилади, хулоса чиқаради. Масалан, Хитойда бўлган давримда ҳам, бошқа давлатлар, хусусан, Малайзияга қилган саёҳатимда ҳам шунга амин бўлдимки, инсоният саёҳатдан кўп янгилликларни ўрганиши мумкин экан. Хитойнинг ҳозирги кундаги логистика тизими, электрон савдоларни қанчалик усталик билан олиб бориши ҳамда таълим соҳасидаги инновацион гоёлари, ҳаттоки 2-3 ёшли болаларнинг кенг миқёсда жадон тилларини ўрганишига тирришқоқлик билан киришаётганини кўриб ҳайратга тушсам, Малайзия фуқароларининг кучли рақобат муҳитида туризмин жадал ривожлантираётганини кўриб фикр қиламан. Албатта, биз ўрганган бу билимларимизни юртимизда ҳам татбиқ этишга ҳаракат қиламиз.


— Таклифларингиз?..

— Юртимизда яратилаётган кўплаб янгилликлар ва имкониятлардан унумли фойдаланишишимиз керак. Худди шу мақсадда ҳозирда биз Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда “Ёшлар клуби”ни ташкил қилмоқчимиз. Мақсадимиз Ўзбекистонимизнинг фаол ва турли соҳаларда ўзининг лидерлик, ватанпарварлик хислатларини намойиш қилаётган ва инновацион гоёларга бой ёшларимизни “Куч бирикдидир” шiori остида бирлаштириб, юртимиз равақига ҳисса қўшишдир. Ушбу таклиф билан барча ёшларимизни янада бирлаштиришга, бирдамлик билан янада олға боришга чорлаб қоламиз!


Шу ўринда дўстларимизга айтмоқчиманки, мақсадни аниқ қўйинг, таълим ёш ва жой танламайди! Қаерда таълим олишдан қатъи назар барчаси ўз қўлингизда. Барча тенгқурларимга ҳеч қачон изланишдан тўхта-масликни, ҳар доим янги тил, янги билимларни ўзлаштиришга интилишларини тилаб қоламан. Чунки қанча кўп билим олсангиз, дунё эшиклари шунчалик кенг очилиб бораверади.

— Каримжон, фойдали суҳбат учун катта раҳмат!

Гулномжон НАЗАРОВ суҳбатлашди



# ТЎҒРИ ҚАРОР — МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЯРМИ



Лотерея уйнамай туриб, Худодан ютуқ сўраган одам тўғрисидаги латифани барчамиз эшитганмиз. Бугун кўпчиликнинг ҳаёти ҳам ана шу латифада тасвирланган сюжетта ўхшаб қолган: эртани яратиш учун бугун қандай яшаймиз, деган саволга ўзимизча жавоб излаб кўрайлик.

Ҳаётни муваффақиятли ўтказиш, тўғри йўналтириш истагидаги одам ҳар дақиқани қўлга олади, ҳаракатни, ҳисларни, вақтни назорат қилади. Бизнинг тақдиримизни белгилайдиган омил ҳар-ҳар замонда, ҳафсала қилганда нима биландир машғул бўлиш эмас, балки нима биландир мунтазам машқ қилишидир. Ҳаракатлар қарорларимиз билан ҳисобланади. Сен тақдирингни аслида ўзинга сезилмас лаҳзаларда қураётган бўласан.

Яна тўғри айтмаган, голиблик ҳам, мағлублик ҳам аслида бир ҳолиса ва қаҳрамон ҳам, қўрбон ҳам ўзингиз бўласиз. Сиз ҳаётда кимнинг родини уйнашни аниқ белгилаб олинг. Ҳаётда ким бўлишга қарор қилиш — муваффақиятнинг ибтидоси. Ана шунда сиздаги хоҳиш мажбуриятга, кучли истакка айланади.

Инсон ўзининг нимага муносиб эканини билмас ёки энг муносиб шароитга мос кўрмас экан, унинг ҳаётда номуносиб ролга муносиб кўрилиш эҳтимоли ошиб кетади. Яъни, ҳаётда ўз ўрнини билмаган одамда ножоиз хатти-ҳаракат ва фекл-атвор шакллана бошлайди.

Сиз ҳозирок янги қарор қабул қилинг, эртани кунда ўзингизни ким деб тасаввур қилишингизни уйланг ва ўша ерда бўлиш учун бугундан ҳаммасини ўзгартиринг.

Мактаб ёки коллежда, талаба бўлганга қадар барчамизнинг диққатимиз бир нуқтага қаратилади — бу мандат доскасидаги ҳал қилувчи чизик. Бироқ, аксарият ёшлар талабалик йилларида мана шу шижоатни йўқотиб қўйишди. Қайсидир дақиқаларда уларнинг қилган хато қарорлари панд беради. Мисол учун, кўпчилигимиз талаба бўлишимиз билан китоблардан узоқлашиб кетамиз — бу ҳам қарор. Шу боис университетга юқори балл билан кирганларнинг барчасидан ҳам юқори малакали мутахассислар чиқмайди.

Айтмоқчиманки, ҳар бир қарор, янги одат, турмуш тарзини бизнинг кейинги тақдиримизга жиддий таъсир ўтказди. Тўғри қарорга келиш эса кўзланган натижага эришишни англатади. Ҳадеб одамларнинг фикрини ҳисобга олиб қарор чиқариш охир-оқибат уларнинг қўлига айланишингизга олиб келади.

**Тадқиқотларга кўра, бизнинг тақдиримизда қуйидаги уч муҳим йўналишдаги қарорларнинг ўрни жуда юқори экан:**

- Диққат-эътиборни нимага қаратишга оид қарорлар;
- Ҳаётингизда муҳим аҳамиятга эга нарсаларга оид қарорлар;
- Хоҳиш-эҳтиёжлар учун қилingan қарорлар.

**Психология китобларида ёзилишича, инсон миёсида қарор қабул қилувчи ички тизим ўз ишини амалга оширишда қуйидаги беш асосга суянади:**

- А) Сиздаги қатъий ишонч ва онг ости қондаларингиз;
- Б) Сизнинг ҳаётий қарашларингиз;
- В) Сизнинг тавсияларингиз;
- Г) Сиз одатда берадиган саволлар;
- Д) Сизнинг ҳиссий ҳолатингиз.

Шу боис, халқ орасида "Дарахт-ни ҳеч қачон қишда арралама. Вазият кескинлигида салбий қарор қабул қилма. Муҳим қарорни кайфиятнинг ёмонлигида чиқарма. Идрок қил. Қут ва сабрли бўл", деган нақл бор.

Бироқ, аксарият одамлар бу тизимни ўрнатишда идрокка суянмаганликлари эвазига мунтазам муваффақиятсизликка дучор бўлавердилар. Биздаги қарор қабул қилиш тизимига одатда ота-онамиз, тенгдошларимиз, ўқитувчиларимиз, медиа, реклама ёки умуман айрим ҳолларда менталитет катта таъсир ўтказди.

Кўриниб турибдики, қарор қабул қилиш ҳам маҳорат ҳисобланади. Қарор кўрқув ёки мажбурият меваси бўлиши керак эмас. У — тафаккур, илм ва ишонч меваси. Муваффақиятли ҳаёт ортида аслида кимнингдир журъатли қарорлари ётганини унутманг.

Рухшўносларнинг айтишларича, ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида онгли қарорлар қабул қилиш орқали бу тизимни бекор қилиш ва уни қайта тузиш имкони ҳар доим бизда қолади.

Биз ўзимиздаги нотўғри қарор қабул қилишдан кўрқиб ҳиссида қонли голиб келишимиз керак. Ҳаётда қанча кўп қарор қабул қилсангиз, бу сизнинг ҳаётингиз назоратингиз остида эканини англатади. Хатолардан тўғри хулоса чиқариш, ўрганиш ва хулоса қилиш хато қилиш ҳиссида халос қилади.

Унутманг, ҳаёт — ё мардларча қилинажак саёҳат, ёки ҳеч нарса!

Шўҳрат САТТОВОВ

## УСТАСИ ФАРАНГЛАР

# ЛОТЕРЕЯДА 14 МАРОТАБА ЮТГАН МАТЕМАТИК

Румин математиги ва иқтисодчиси Стефан Мандел ўзи ишлаб чиққан тизим бўйича 14 маротаба лотереяда ютуқ эгаси бўлди. Унинг формуласидан хабар топган айрим мамлакатлар давлат лотереяларини ўтказиш тартибини ўзгартиришга мажбур бўлишди, бироқ Стефан биронта қонунни бузгани йўқ.

### "Омад формуласи"

Стефан Мандел коммунистик Руминияда туғилиб, воёга етган, турган гапни, бой бўлиш ҳақида орзу қилмаса ҳам бўларди. Бироқ у тақдирни аллади — бир эмас, ўн тўрт маротаба. Математик қобилиятини ишга солиб шундай тизим яратдики, олтидан бешта рақамни тўғри топиб берарди.

Формула пишганидан сўнг тўрт йил ўтиб уни ишга солган ва эҳтимолий ра-

қамларга эга барча лотерея чипталарини харид қилган Мандел жек-пот соҳиб бўлди. Бу пулларга амалдорларни сотиб олган Мандел амаллаб мамлакатдан чиқиб кетди ва Исроилга бориб ўрнашди.

### Доғда қолган капиталистлар

Бу кўҳна замин унинг учун охириги манзил эмасди. Мандел кўп ўтмай кўч-кўронини ортомқлаб барқарор иқтисодиётга эга, энг асосийси, фуқаролиги ҳамдўстликка кирувчи барча мамлакатларнинг давлат лотереяларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи Австралияга раваона бўлди.

Британча лотерея тизимига ҳам формуласини татбиқ эта олган математик "катта иш"ни бошлади.

Стефан Мандел ўз формуласи асосида ютуқ чиқиши эҳтимоли энг катта лотерея чипталарини ёппасига сотиб олиш

учун сармоядорларни жалб қилди. Шу тарзда у 12 маротаба лотерея ташкилотчиларини доғда қолдирди. Австралия ҳукумати ҳар сафар лотереяни ўтказиш тартибини ислоҳ қилар, бироқ Мандел айланма йўллари топиб, жек-потни ўзиники қилиб кетарди.

### Математик бўлсанг ўзинга, аммо...

Беш қўлни баравар оғизга тикиш яхши эмас: Манделнинг иштаҳаси очилиб кетиб АҚШни кўзлаб қолди.

Унга сармоядорлари ҳам эргашишди. Улар Виржиния штати лотереясида қатнашиб, нақ 27 миллион доллар ютиб олишди (Бунга улар олган минглаб ютуқларни киритмаёғимиз, ахир улар сотиб ол-

ган жуда кўплаб чипталарга ҳам ютуқ чиққан). Математикнинг хатти-ҳаракатларида қонун бузилиши аломатлари аниқланганидан сўнг, унга ютуқнинг охириги центигача тўлаб беришди.

Бошқа одам бўлганида тўхтармиди-йўқми — даргумон. Аммо Мандел ўзига, формуласига ҳаддан зиёд ишониб юборган кўрилади.

Кейин у Исроил давлат лотереясида қатнашишни истаб қолди, сармоядорларни чақирди, аммо учувари хом сананган экан: формула шу ерда панд берди, жек-пот туғул қарзга олинган пуллари ҳам қайтара олмади. Оқибатда фирибгарликда айбланиб 20 ой ўтириб чиқди.

Панжара ортидан чиққанидан сўнг математик олис орол-давлат Вануатуга кетиб, ўша ерда яшапти.


Дарвоқе, Стефан Манделнинг формуласидан фойдаланиш энди мумкин эмас. Математик фойдаланган усуллар ҳозир ноқонуний ҳисобланади. Шундай экан формуланинг янгисини (агар орамизда математиклар бўлса) ўйлаб топишга ёки пул ишлашининг бошқа йўллари (албатта, қонуний) қидиришга тўғри келади.

# "Xabar.uz" —

## "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши сайт"

Шу йил Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан "Энг яхши хуқуқ тарғиботчиси" танлови ташкил этган эди. Танловга икки ой давомида 170дан ортиқ материаллар келиб тушди. Танлов низомига мувофиқ ҳакамлар ҳайъати ушбу материалларни ўрганиб чиқиб, яширин овоз бериш йўли билан ўнта номинация бўйича голибларни аниқлади. Голибларни тақдирлаш маросими 12 сентябр куни ўтказилди.

Маросимда Адлия вазири ўринбосари Акбар Тошқулов голибларни муборакбод этди ва махсус диплом, "Энг яхши хуқуқ тарғиботчиси" стаутеткаси, нишони ҳамда танлов ҳомийларининг совғаларини топширди.



### ГОЛИБЛАР:

1. "Хуқуқий тарғиботдаги фидойилиги учун" номинацияси бўйича:

Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Абдурашидова Муҳиддинова;

2. "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши мутахассис" номинацияси бўйича:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши аппаратининг юридик бўлими

муdiri ўринбосари Хушнудбек Ғайратович Худойбердиев;

3. "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши журналист" номинацияси бўйича:

"Инсон ва қону" газетаси адабий муҳаррири, журналист Дилфуза Рустамовна Эргашева;

4. "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши ОАВ" номинацияси бўйича:

"Ўзбекистон 24" телеканали;

тарғиб қилувчи энг яхши блогер" номинацияси бўйича:

Карикатурачи-рассом Баҳром Қосимжонович Калонов;

6. "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши сайт" номинацияси бўйича:

"Xabar.uz" ахборот-таҳлилий портали;

7. "Хуқуқий тарғиботдаги энг яхши инновацион лойиҳа" номинацияси бўйича:

"Troll.uz" номи билан машҳур блогер Умид Илҳомович Гафуров;

8. "Маҳаллада хуқуқий маданиятни юксалтиришдаги фаолиги учун" номинацияси бўйича:

Жинойт ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судининг катта мутахассиси Фарҳод Баҳодирович Ибрагимов;

9. "Хуқуқий тарғиботдаги энг яқин ҳамкор" номинацияси бўйича:

"UzReport" телеканали;

10. "Энг ёш хуқуқ тарғиботчиси" номинацияси бўйича:

Фаргона вилояти юридик коллежи битирувчиси Юрий Александрович Рубцов.

Мақсуд танловда тахририятимиз муассислигидаги "Xabar.uz" ахборот-таҳлилий порталимиз ҳам "Хуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи энг яхши сайт" номинацияси бўйича голиб бўлди. Эътироф ва эътибор учун танлов ҳайъати аъзолари ҳамда энг яқин ҳамкоримиз бўлган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигига алоҳида миннатдорлик билдира- миз ва бундан кейин ҳамкорлигимиз янада юқори босқичга кўтарилишига ишонамиз.

Тахририят

### ТАҚДИМОТ

## Асер Ўзбекистонда фаоллашмоқда:

◀ 1-бет.

# УЛТРАБУКЛАРДАН ТОРТИБ ГЕЙМЕР ҚУРИЛМАЛАРИГАЧА

Ўзбекистонда 2018 йилда компаниянинг 83 мингдан зиёд ноутбуклари сотилиши кутиляпти, ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йилга бориб мамлакатимизда ушбу компания ноутбуклари сотилиши 75 фоизга ўсади ёки 146 минггага кўпаяди.

Матбуот анжумани маълумотидан

"Асер" компаниясининг ЕМЕА минтақаси (Европа, Яқин Шарқ ва Африка) вице-президенти Григорий Низовский компаниянинг Ўзбекистондаги янги бозор стратегияси, минтақанинг иқтисодий кўрсаткичлари, асосий маҳсулотларига тўхталиб ўтди:

— "Асер" Ўзбекистондаги бозор ва товар стратегиясини ўзгартириди, эътиборни юқори даромадли сегментларга қаратади. Хусусан, турли-туман ўйин қурилмалари ва мониторларини кўпайтиради. Мамлакатингиздаги бизнес вакиллари ва оддий фойдаланувчиларга ультраюпқа ноутбукларимиз маъқул келади, деган умиддамиз. Дарвоқе, рақобатчиларимизнинг нарх сиёсати биз

учун аҳамиятсиз, "Асер" ўз фаолияти асосида истеъмолчилар учун энг яхши нарх-сифат нисбатига эришмоқчи. Ушбу стратегия Россия, Қозоғистон, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатлар бозорларида ўзини оқлади.

"Асер"ни, шунингдек, давлат сектори ва ҳуқуқат лойиҳалари ҳам қизиқтирмоқда. Биз тақлиф этаётган маҳсулотлар чидамли ва универсал бўлиб, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш аъло даражада.

Компаниянинг ўйин қурилмалари нафақат ноутбуклар, балки стационар компьютерлар, мониторлар ва бошқа қурилмалардан иборат бўлиб, профессионал киберспортчилар ва ҳаваскор геймерлар учун мўлжалланган. "Predator" ва "NITRO" ноутбуклари фойдаланувчилар учун катта эркинлик ва кенг алоқа имкониятларини беради.

"Асер" компанияси ультраюпқа ноутбуклар сегментини "Switch", "Spin" ва "Swift" моделларини тақлиф этмоқда. "Spin 1" трансформери планшетга ҳам айланади, 2Swift 3 — замонавий турмуш тарзини истаганлар учун, "Swift 5" эса дунёдаги энг енгил ноутбук (экрани 15 дюймга бўлишига



қарамай, оғирлиги 990 грамм). "Spin 5" функцияларга жуда бой бўлса, ромсиз дисплейли, "Swift 7" дунёдаги энг юпқа ноутбук-

дир (қалинлиги атиги 8,98 мм.).

Табдир доирасида "Асер" компанияси юқорида санаб ўтилган ноутбуклар тақдимотини ўтказди.

### Компания ҳақида

"Асер" компаниясига 1976 йили асос солинган. Айни пайтда жаҳоннинг етакчи ахборот технологиялари компаниялари қаторига қўшилган, 160дан ортиқ мамлакатда фаолият юритяпти. Компания аппарат ва дастурий таъминот ҳамда хизматлар ўзаро уйғунликда ишловчи — истеъмолчилар ва бизнес вакиллари учун янги имкониятларни тақдим этувчи муҳит яратишга ихтисослашган. "Асер"нинг 7000дан зиёд ходимлари бевосита тадқиқотлар, дизайн, маркетинг, савдо, маҳсулот ва ечимларни қўллаб-қувватлаш соҳаларида банд.

Собит АҲАДОВ, "Xabar" мухбири

# КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-хунаар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ мамлакатимиздаги коллежлар олдида янгиланган касб-хунаар таълими тизимини кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ўз ичига қамраб олган асосий бўғинга айлантириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Мазкур фармон асосида коллежлар фаолияти иқтисодийнинг реал сектори эҳтиёжлари ва иш берувчиларнинг талабларига мос келадиган, ўрта бўғин учун хизматчилар (мутахассислар) ва малакали ишчи касбларини тайёрлашга йўналтирилган бўлди.

Бу борада ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш соҳасига малакали мутахассислар тайёрлашда асосий ўқув юрти ҳисобланган Тошкент алоқа касб-хунаар коллежида қандай ишлар олиб бориляпти? Мазкур коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари **Наргиза НАЖИМ-ХУЖАЕВА** бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ўзига хос ривожланиш йўлидан борилаётганлиги туфайли касб-хунаар коллежи битирувчиларига ҳам эҳтиёж ортаётти.

Тўқсон йилга яқин тарихи давомида соҳага минглаб малакали мутахассисларни етказиб берган билим масканимиз айти кунларда пойтахтимизнинг кўзга кўринган, мактаб ўқувчиларида доимий қизиқиш уйғотиб келадиган билимгоҳга айланган. Коллежда бугунги кунда алоқа тармоғининг учта муҳим соҳаси бўйича 1300дан зиёд мутахассислар тайёрланмоқда. Булар Теле-

коммуникация технологиялари, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ҳамда Почта алоқаси технологиялари йўналишларидир. Коллежимиз ўқув аудиториялари ва амалиёт устaxonалари мавжуд талаблардан келиб чиққан ҳолда жиҳозланган. Шунинг билан бирга, катта илмий ҳажмга эга замонавий ахборот-ресурс маркази, интернет тармоғига уланган ўқув заллари ҳам ўқувчиларнинг ўз устиларида ишлашлари ва керакли маълумотларни ўзлаштиришларида беиннат хизмат қилаётир. Спорт мажмуаси ва бир қатор махсус тўғарақлар ўқувчиларнинг нафақат билим жиҳатдан, балки соғлом фикрлашлари ва жисмонан бақувват бўлишлари учун ҳам йўналтирилган. Касб-хунаар коллежлари фаолиятида янги давр бошланиши муносабати билан ўз олдимизга қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик.

- ўқувчиларни телекоммуникация соҳаси бўйича касб-хунаарга йўналтириш, соҳа бўйича касбга тайёрлаш, касбий таълим, касбга ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг ягона тизимини йўлга қўйиш учун етарли шарт-шароитларни яратиш;

- коллеж битирувчиларининг меҳнат бозорида талабгор ва рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш ҳамда уларни эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштириш даражаси кўтарилишига эриштиш;

- коллеж битирувчиларининг нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки хорижий мамлакатлар меҳнат бозорида ҳам муносиб иш ўринларини топа олишларига имкон яратиш учун уларнинг Халқаро таълим стандарт таснифлагичи (МСКО), Халқаро квалификация рамакалари (МКР), ЮНЕСКОнинг техник ва касб-хунаар таълими бўйича тавсиялари принципларида мослаштириш.

Мазкур вазифалар бир вақтнинг ўзида қундузги таълим тури билан бирга қундузги-сиртки (кечки), бугунги кунда алоқа тармоғининг учта муҳим соҳаси бўйича таълим шаклларида кенг фойдаланган ҳолда ўзи хоҳлаган



тартибдаги билим олиш имкониятига эга бўлиши таъминлайдиган инновацион чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Айти кунларда коллежимизда ҳам мазкур талабларга мос равишда инновацион ривожланиш чора-тадбирлари, дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Таълимнинг давомийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган мутахассисликлар бўйича даврий, яъни табақалаштирилган 6 ойлик, 1 йиллик, 1,5 йиллик, 2 йиллик курсларнинг ташкил этилиши кўзда тутилган. Курсларнинг сифатини ошириш мақсадида анъанавий таълим технологияларини такомиллаштириб, ривожланган давлатлар илгор таълим технологияларини ҳар бир мутахассислик бўйича чуқурлаштириб ўтказилиши режалаштирилган.

Касб-хунаар таълими тизимида бошлаб берилган янги давр телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича етишиб чиқадиган мутахассисларнинг соҳа фаолиятларида манتيқий ва тизимли фикрлай олиш, экологик, ҳуқуқий, инфомацион, коммуникатив маданият ва тадбиркорлик малакалари билан биргаликда, келгусида ўз-ўзини англаш, тушуниб етиш ва бошқа ҳамкасбларига адекват талаблар қўя билишлик каби маҳоратларини ҳам шакллантиради.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимига ўтилиши жамоатчилик, ота-оналар ва 9-синфлар битирувчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижалари таҳлили ҳозирги ўрта-махсус, касб-хунаар таълими тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида номи тилга олинган фармони ўз навбатида тизимдаги тубдан катта ислохотларнинг амалга оширилиши даврини бошлаб берди. Ушбу фармонга мувофиқ, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта-махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилади.

Бу ислохотларга бизнинг жамоамиз аъзолари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар етарли.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
Ўзиб олди

## SEMINAR

## КРЕДИТ ТИЗИМИ юқори малакали кадрлар тайёрлаш гарови

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида кредит таълим тизимини жорий этиш борасида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда ТАТУ ўқув ишлари бўйича проректори Файзулла Агзамов ҳамда Кредит тизимини жорий этиш бўлими бошлиғи Фарҳод

Алишеровлар иштирок этишди.

Семинарда маърузачилар университет ва филиалларида кредит тизимини жорий этишнинг афзалликлари, унинг талабалар билим олишига бўлган иштиёқининг ошишига олиб келиши, уларнинг чет эл олий ўқув юртларида 1-2 семестр ўқиш имкониятлари борлиги ҳақида гапириб бердилар.

Мавзуга оид ва кўргазмали слайдлар намойиш этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва филиалларида кредит таълим тизимининг жорий этилиши мазкур университет таълим жараёни сифатини оширишда, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга илмий излашларини ривожлантиришда ва

юқори малакали кадрларни тайёрлашда муҳим рол уйнайди ҳамда тез орада республикамизнинг бошқа олий ўқув юртларида ҳам кредит тизимининг татбиқ қилинишига асос бўлади.

Абдуғафур ХОТАМОВ,  
“Xabar”нинг Самарқанд  
вилоятидаги мухбири

# КИТОБГА ҚҲЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “Фейсбук”даги саҳифасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, қатор шеърӣ ва насрий асарлар муаллифи Лазиз Тангриевнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Президент қарори эълон қилинганига бир йил тўлиши муносабати билан битилган мақоласи эълон қилинди. Уни эътиборингизга ҳавола этамиз.

## КИТОБ ҲИДИ

Олис болаликка ҳаёлан сафар қилиш ҳеч биримизга бегона эмас. Ширин ҳаёлар, тогли хотиралар уйғонганда кишини ажиб бир энтиқтиради. Болалик дамларини безаган бепоеъ далалар, дашту биёбонлар, отлар дупури, қўй-қўзилар подаси, чанг қишлоқ кўчалари кино тасмасидек кўз ўнгингдан ўтади.

Ана шу манзаралар ичида пайкал орасида ярқ этиб буй кўрсатиб турган, илкис ўзига имлаётган қовунтарвузларнинг тогли ҳиди, помидор, бодрингларнинг мазали бўйи ҳали-ҳали димоғини қитқайди.

Эҳ-ҳе! Ҳаммасидан ҳам онам ёпан нонларнинг тафтини айтмай-сизми. Тандирдан энди узлиб, буғи чиқиб турган қулча лаби оқариб, қўча чангитиб қорни очган болакайнинг энг тансиқ таоми эди. Айниқса, ширмой нонларнинг ўткир ҳиди димоғингизга урилганда олам чароғон бўлиб кетади. Длингиз бир ярайли. “Нон исн” деган жуда тогли ва шартли ибора бежиз айтилмаган, ахир.

Мен буларни нимага эслагиман? Негадир ана шу айтганларим орасида яна бир унутилмас, дуч кел-

ганда юракни орзиқтирадиган, илм олишга ташна, бетизгин ва асов ўсмирликни ёдга солдиган яна бир мўътабар ис, буй бор!

Бу оламни мунаввар айлаган маънавий хазина жавоҳири, қалб гавҳари бўлган муқаллас Китобнинг анвойи ҳиди!

Болалигимда уйимиздан бир кўча наридаги туман кутубхонасига қадам қўйишим билан биринчи бўлиб турли китобларнинг ажиб ҳиди димоғимга урилди эди. Ана шу ёқимли буй мен учун маънавий оламнинг муқаллас мушқу анбарига айланди, бир умрга менга ҳамроҳ бўлди.

## БОЛАЛИК КОШОНАСИ

70-йилларда қурилган биноларни бутунгилари билан солиштириб бўлмайди, албатта. Шундай бўлса-да, ўша даврдаги туманимиз кутубхонаси ҳали-ҳамон мен учун дунёдаги энг муҳташам кошонадай хотирамда муҳрланиб қолган. Очиги қунда-қунора бу китоб саройига борар эканман, алоҳида жиддий ҳозирлик кўрар эдим. Сиз Эрмитаж

музейи ёки театрга боришга ҳозир қандай ясан-тусан қилсангиз мен ҳам шундай қилардим.

Ўша дамда болалик тасавури-мда жаҳондаги энг чиройли иншоотлар фақат кутубхоналар бўлса керак, деб ўйлардим. Шинамлиги, тоза-озодлиги, кенг ва ёруғлиги назаримда муаззам саройлардан қолишмас эди.

...Минг бир ҳаяжон билан кутубхона оstonасини хатлайман. Дунёдаги жамики китобларнинг “мехрибон” дўсти, ширинсухан, истараси иссиқ Ирина Сергеевна табассум билан илқ кўтиб олади.

Ниҳоятда одоб ва тавозе билан китоб жавонларининг ёнига бораман. Ана дунё мўъжизаси мендек солда қишлоқ боласи олдида виқор билан ял-ял товланиб турибди. Лев Толстой, Пушкин, Лермонтов, Навоӣ, Бобур, Александр Дюма, Фенимор Купер, Виктор Гого, Мопассан, Абдулла Қодирӣ, Гафур Фулом, Абдулла Қаҳқор, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов...

Жаҳон адабиёти афсунгарларига бир-бир секин кўз ташлайман. Мен бу улуглар даврасини қизиқувчанлик билан қузатаман. Қалбимда бир гурур пайло бўлади. Чиройли қилиб тахланган бежирим муқовали китоблар ноёб хазинанинг асл инжуларига ўхшайди. Китобларнинг худди жони бордек, ҳозир тилга киралди-гандек. Мен олдий бир 6-синф ўқувчиси, ана шундай улугвор ганжинига бемалол қўл узатишим,

бахраманд бўлишим мумкин. Менда беихтиёр дахлдорлик ҳисси пайдо бўлади. Оламини лол қилган аллома-лар ёнида турибман. Улар билан суҳбат қуришим, савол беришим, маслаҳат олишим мумкин. Ана шу тасаввур кутубхонанинг улугворлигини, чўнглигини янада оширгандай бўлади. Бу ерда ишлаётган ходимлар гўзал ва сирли оламнинг фаришта-лари каби. Уларга ҳавас қиламан, орзуларга чўмаман.

Китобларни қўлга оларканман, беҳад қувонаман. Бағримга маҳкам босаман. Маърифат ёмбиси қўлимда товланади. Дунёда мендан бахтли одам йўқ. Уйга келиб мука қўшиб мутолаага киришаман. Муҳташам саройга, улуглар даврасига яна тезроқ қайтиб бориш, гўзалликдан баҳра олиш учун мижжа қоқмайман.

Турли саналар сабаб кутубхонада ўтадиган тадбирларда фаол китобхон сифатида мен ҳам қатнашар эдим. Асарлардан парчаларни ёлдан ўқиб бериш, турли саҳна кўринишларини ижро этиш, айниқса, олам-олам завқ бахш этар эди. Ўзимизни улгайгандек, аjoyиб ишларга қодир инсонлардек ҳис қилар эдик.

...13 сентябр кунни муҳташам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори эълон қилинганига бир йил бўлди. Шу баҳона болалик ва ўсмирлик чоғларимни ёдга олам, дунё-мизда ана шундай ёрқин хотиралар қолдирган кутубхонани ҳозир ҳам соғинаман.

Дарҳақиқат, бутун юртбошимизнинг шахсий ташаббус ва давлатлари мамлакат бўйлаб китобхонлик бўйича улкан ва эзу оммавий ҳара-катни бошлаб берди. Кутубхона, китоб, китобхонлик деган муқал-лас тушунчалар давлат сисёти даражасига кўтарилди.

Биргина эътироф: бу қарор билан Ўзбекистонда китобга ҳайкал қўйилди.

Лазиз ТАНГРИЕВ

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

# ҲАЁТИНГ ОЛДИНДА, ҲАЁТХОН!



Тўнғич қизим Ҳаётхон мия фалажи хасталиги билан дунёга келган. Турмуш ўртоғим билан ўн йилдан буён унинг парвариши билан бандмиз. Қизим умуман гапиролмайди, ҳаракатланмайди, ҳатто овқатини ҳам бизнинг кўмагимиз билан ютади. Аммо бир зум бўлсин умидимизни сўндирмаймиз, мўъжиза юз беришига, касалига шифо топилишига катта умид билан яшаймиз.

Бугун жуда катта иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маънавий ислохотлар жараёнида яшаймиз. Айниқса, аҳолининг ёрдамга муҳтож, кам таъминланган қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган муаммоларга жойида ечим топиш масалалари устуворлик касб этган. Бу хайрли ишга вилоятлар ва туманларнинг каттаю кичик барча раҳбарлари бош-қош бўлаётгани эса таҳсинга лойиқ. Таҳририятимизга келган миннатдорлик мактуби ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Сизларга мактуб йўллашимиздан мақсадимиз биз каби кўмакка муҳтож инсонлар муаммоларига бефарқ бўлмаётган инсонларга миннатдорлик билдириб қўйишдир. Гап шундаки, хаста қизимизни фақат кўтариб юришга тўғри келадди, кичкиналигида билинмасди, аммо улгайган сари бу ҳам қўшимча муаммолар туғдира бошлади. Қизимдан ташқари, яна уч нафар фарзандим бор, иккитаси ҳали борча ёшида. Қизимдан ортиб уларга кўнгилдагидек қарай ҳам олмайман. Уй юмушларини бажаришга қийналаман. Хуллас, қизим учун ногиронлик аравачаси жудаям зарур эди. Аравача сўраб маҳалла расисига қилган мурожаатларимиздан фойда бўлмаётганди.

Муаммоларимизни “Xabar” газетаси муҳбири У.Йўлдошевга айтиб аниқлашмаган эканмиз. Бу инсон тегишли мутасаддилар-

ни жалб этиш орқали муаммо ечимини топишини айтиб, бизни руҳлантирди. Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами кунлари уйимизга туманимиз прокурори Элёр Абдуллаев кириб келди. Қизим учун ногиронлик аравачаси олиб келибди. Очиги, қутилмаган бу ташрифдан, бу совгадан қувончимиз ичимизга сиймай кетди. Энди мушқулим анча осонлашди, қизимни аравачага ўтказиб юмушларини бемалол қилишим, кўчаларга қийналмай олиб чиқишим мумкин.

Элёр Абдуллаев бошқа муаммоларимизни ҳам обдон сўраб-суриштириб, қўлидан келган ёрдамни аямаслигини таъкидлаганида мен ҳам шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканлигимни, қизим қабилар учун қайғураётганлар борлигини ҳис қилдим. Мени анчадан буён иш стажы қийнаётганди, чун-

ки ногирон фарзандим тарбияси боис ҳеч қаерда ишлай олмайман. Қонунчилигимизда эса биз қабиларга алоҳида имтиёзлар борлигини эшитгандим. Э.Абдуллаев менга, албатта, иш стажы юритилишини таъкидлаб, масъул шахсларни жалб қилган ҳолда бу масалага ҳам ечим топишга ваъда берди.

Мен оиламиз номидан Элёр Абдуллаев ҳамда “Xabar” газетаси ходимларига миннатдорлик билдириш эканман, ўзим каби ногирон фарзанд тарбиялаётган оналарга ҳеч қачон тушқунликка тушман, дейман. Чунки биз учун алоҳида қайғураётган Юртбошимиз, қолаверса у кишига камарбаста бўлаётган раҳбарларимиз бор экан, ҳеч қачон ёлғизланиб қолмаймиз.

Гулбаҳор АКБАРОВА,  
Избоскан тумани,  
Ботиробод МФЙ



## Россия: “Пенсия ёшини эмас, пенсияни оширинг!”

Ўтган ҳафта Россия халқнинг пенсия ислохотларига қарши оммавий намоёнликлари билан дунё диққат марказида бўлди. Сентябрь бошида Москвадаги Суворов майдонида жамоат ташкилотлари томонидан “Халқ пенсия ёшининг оширилишига қарши” кампанияси остида бошланган митинг ва намоёнликлар 8 сентябр — мамлакатда бўлиб ўтган ҳудуд депутатлари ва раҳбарлари сайлови кунини бутун Россияни қамраб олди. Мамлакатнинг ўнлаб шаҳарларида турли ёш тоифасидаги минглаб кишилар пенсия ёшини оширишга қарши норозиликларини ифодалаш учун кўчаларга чиқди.

Июнь ойи ўрталарида ҳукумат раҳбари Дмитрий Медведев россияликларни яна бир неча йил ишлашга мажбурловчи пенсия ислохотининг янги лойиҳасини тақдим этганди. Пенсия ёшини эркаклар учун 65 ёшгача, аёл-

лар учун эса 63 ёшгача оширувчи ушбу қонун лойиҳаси Давлат думасида 19 июль куни кўриб чиқилиб, биринчи ўқишдаёқ қабул қилинган. Қонунга кўра, пенсия ислохотлари келгуси 2019 йилдан бошланади ва 2024 йилгача давом этади. Ҳукуматнинг кейинчалик таъкидлашича, пенсиялар ҳам йилдан-йилга ошириб борилади ва 2024 йилга бориб, Россияда ўртача пенсия миқдори 20 минг рублни ташкил қилади.

1 июлда рухсат этилмаган намоёнликларнинг биринчи тўлқини бўлиб ўтди. Намоёнликларнинг иккинчи тўлқини 9 сентябрда мўлжалланган эди. Аммо намоёнчиликлар қўтиб ўтиришга ортиқ сабр қилмади. Сентябрь бошидаёқ “Пенсия ёшини эмас, пенсияни оширинг!”, “Ҳукумат истеъфога чиқсин!” сингари лозунг ва плакатлар кўтариб кўчаларга чиқилди.

Ҳукумат намоёнчиликларга қарши



куч ишлатишга мажбур бўлди. Йирик шаҳарларда ўнлаб ва юзлаб кишилар ҳибсга олина бошланди, хусусан, Санкт-Петербургда 400-500 чоғли

киши қўлга олингани ҳақида маълумотлар тарқалди. Москвада ва Новосибирскда ҳам полиция билан йирик тўқнашувлар келиб чиқди.

## ЕВРОПАРЛАМЕНТ ВЕНГРИЯ СИЁСАТИДАН ХАВОТИРДА

Европарламент Венгрия ҳукумати томонидан “демократик институтлар поймол қилиниши” ва “Стоп Сорос” қонуни қабул қилиниши сабабли ушбу давлатга қарши жараёни бошлади. Унга кўра, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар рози бўлса, Венгрия овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинади.



Венгрия парламенти томонидан июнь охирида қабул қилинган “Стоп Сорос” қонуни ҳам ЕИ танқидига сабаб бўлган. Қонунда нотижорат ташкилотлари томонидан ноқонуний муҳожирларга ёрдам берганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу қонуннинг номи венгер миллатига мансуб америкалик миллиардер Жорж Сорос номидан олинган бўлиб, миллиардернинг “Очиқ жамият” жамғармаси муҳожирларга ёрдам қўрсатган.

Европа Иттифоқига аъзо баъзи давлатларда Венгрия бош вазири Виктор Орбаннинг сиёсати хавотир уйғотмоқда. Иттифоққа аъзо давлатга нисбатан интизомий жараён илк бор амалга оширилмоқда. Таъкидлашича, интизомий жараён ЕИга аъзо давлатлар томонидан блокнинг “асосий қадриятлари” бузилишининг олдини олишга қаратилган. Мамлакат бош вазири Еврокомиссиянинг Венгриядаги сиёсат ҳақидаги маърузасини “шантаж қилиш” деб атаган.

## ЛИВИЯ СОХИЛЛАРИДА ЮЗ НАФАР МУҲОЖИР ЧЎКИБ КЕТДИ

Бу хабарни Чегара билмас шифокорлар ташкилоти ҳам тасдиқлаган. Ташкилотнинг маълум қилишича, муҳожирлар шу йил 1 сентябр куни иккита резинали қўлбола қайиқда йўлга чиққан. Қайиқнинг чўкиши оқибатида юз киши ҳалок бўлган. 276 киши қутқариб қолинган. Қутқарилганлар Траблусдаги Хумс портига олиб келинган. Улар орасида ёш болалар, ҳомиладор аёллар ҳам бор.

Маълумотларга кўра, бу йил Ўрта Ер денгизида 1500дан ортиқ муҳожир ҳалок бўлган.



## МАР ДУНЁДАГИ ЭНГ БАХТСИЗ МАМЛАКАТ

Американинг жамоатчилик фикрини ўрганувчи Gallup институти маълумотлари 2017 йилда дунё бўйича бахтлилик индекси сўнгги ўн йил ичида энг паст даражага тушганини кўрсатмоқда. Жамиятшунослар 147 давлатда катта ёшли кишилардан улар бир кун аввал ижобий ҳиссиётларни ҳис қилганлигини сўраган. Умумий ҳисобда 145 мингдан ортиқ интервью ўтказилган. Натижалар эса шундай сўровлар бошланган 2006 йилдаги каби ёмон чиққан.

Gallup ходимлари ҳулосасига кўра, дунёдаги энг бахтсиз мамлакат Марказий Африка Республикаси. Таъкидлашича, мамлакатда давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар ўн минглаб кишиларни ўз уйлари ташлаб кетишга мажбур қилган. Шунингдек, энг бахтсиз мамлакатлар рўйхатидан Жанубий Судан (55 фоиз), Миср (47 фоиз) ва Эрон (45 фоиз) жой олган.

## КОНСЕРВАТОРЛАР ТЕРЕЗА МЭЙНИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИШМОҚЧИ

Британия парламентидаги консерваторлар бош вазир Тереза Мэйни истеъфога чиқаришмоқчи. Эллик нафарга яқин депутат унинг Европа Иттифоқи билан келишув борасидаги таклифидан газабланишган.

Ҳукумат раҳбари 2019 йил мартда яқунланадиган Брексит жараёнидан кейин ҳам ЕИ билан эркин савдо ҳудудида қўлиш бўйича таклиф билдирганди. Консерваторлар партиясининг аъзолари, аксилевропа қарашларга эга бўлган депутатлар 11 сентябр куни ўзаро учрашишган ва Мэй хонимнинг режаларини муҳокама қилишган. Консерваторлар бош вазирнинг режасини ҳалокатли, деб атаган.



## ЧЕХИЯ ИСРОИЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИНИ АЛ-ҚУДСГА КЎЧИРМОҚЧИ

Чехия раҳбарияти мамлакатнинг Исроилдаги элчихонасини Тел-Авивдан Ал-Қудсга кўчиришга қарор қилди. “Элчихонамизнинг Тел-Авивдан Ал-Қудсга кўчирилиши уч босқичда амалга оширилади. Биринчи қадам Ал-Қудсда кейинги ойда фахрий консуллик очилиши бўлади”, деб айтган Чехия президенти Милош Земан. Унинг айтишича, кейинги босқич-

ларда Ал-Қудсга Чехиянинг инвестиция, савдо ва туризмни илгари суриш бўйича давлат муассасалари ва қўлатхоналари кўчирилади.

Элчихонани кўчириш қарори президент Земан, бош вазир Андрей Бабиш, парламент куй палатаси раиси Радек Вондрачек, ташқи ишлар ва муҳофаа вазирлари иштирокидаги йиғилишда қабул қилинган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 14 май куни Ал-Қудсда АҚШ, 16 май куни эса Гватемала элчихоналари очилганди. Бу орада Парагвай Исроилдаги элчихонасини Ал-Қудсга кўчириш қарорини бекор қилди. Бунга жавобан Исроил бош вазири Биньямин Нетаняху Исроилнинг Парагвайдаги элчихонасини ёпилишига қўрсатма берган.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади




# Янги "айфон"лар: XS ва XS Max тақдим этилди



Apple компанияси 12 сентябр куни икки турдаги янги iPhone XS ҳамда iPhone XS Max смартфонлари тақдимотини ўтказди. Улар худди олдинги "айфон"ларга ўхшайди, бироқ фарқи ҳам бор: ҳар икки телефон тилларанг тусда ҳам чиқади, қолаверса, iPhone XS Maxга улкан 6,5 дюймли экран ўрнатилган. XS Max шу пайтгача чиқарилган энг катта iPhoneга айланди.

Демак, дизайнда сезиларли ўзгаришлар йўқ, бироқ ички тузилишида бир қатор янгиликларга қўл урилган. Янги смартфонларнинг дисплейлари янада кенгроқ динамик диапазонни қўлайди, стереоовушлар янада кучайган, Face ID ишлаши тезлашган. Қолаверса, смартфонлар-



нинг намликка чидамлик даражаси IP68 стандартигага яхшиланган.

**Экран.** iPhone XS — 5,8 дюймли OLED дисплей

(2436x1125), iPhone XS Max — 6,5 дюймли OLED дисплей (2688x1242).

**Процессор.** Смартфонларга ишлатилган олти ядро-

ли Apple A12 Bionic чипи соҳадаги 7-нм техник жараёни қўллаб ишлаб чиқилган илк процессорлардан бири.

**Камералар.** iPhone XS ва XS Max яхшиланган чақинли кўшалок 12 мегапикселли камераларга эга бўлди, фронтал камераси эса 7 мегапикселли. Умуман олганда, янги смартфонларда камераларнинг имкониятларига анча жиддий ўзгаришлар киритилган — бунга ушбу қурилмаларни сотиб олиб, синаб кўрибгина ишонч ҳосил қилиш мумкин.

iPhone XS ҳамда XS Plus тилларанг, қумушранг ва кулранг тусда чиқарилади. Нархлар iPhone XSга 999 доллардан, iPhone XS Maxга эса 1099 доллардан бошланади.

**ХОМЧЎТ**

## АРЗОН IPHONE ҲАММАГА ЕТМАСЛИГИ МУМКИН

Apple компанияси 12 сентябр куни тақдим этган "бюджет" смартфонни ҳаммага етмаслиги мумкин. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги ўз манбаларига асосланиб ёзмоқда.



Энг арзон "айфон" тақчиллигига компаниянинг ишлаб чиқаришидаги муаммолар сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Аниқроғи, компанияга суюқ-кристалл дисплейлар етказиб берувчилар ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўя олишмаяпти. Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатларда арзон "айфон" таъминотида узиллишлар бўлиб, у ҳаммабоп эмас, кўпроқ дефицит телефон мақомини олиши мумкин.

**СМАРТФОНЛАР**

## АНДРОИД-СМАРТФОНЛАР ҲАҚИДА ЭНГ БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Машҳур AnTuTu бенчмарки глобал миқёсда андроид-смартфонларнинг фойдаланувчилар орасида энг оммалашган жиҳатларини ўрганиб чиқди.

**Экран сифати**

Деярли ҳар тўртинчи фойдаланувчи (24,37 фоиз) Full HD (1080 x 1920 пиксел) экранли смартфон тутади. Гардишсиз экранли смартфонлар эса 17,19 фоиз фойдаланувчида бор. Андроид-смартфонларнинг ярмидан кўпининг экрани HD ва ундан қуйи тоифаларга мансуб.

**Экран ўлчами**

Энг оммалашган экран — 6 дюймли (14,61 фоиз фойдаланувчи). Кейинги ўринларда 5,5 (12,75 фоиз) ва 6,2 дюймли (11,45 фоиз) экранлар.

**Процессорлар**

Энг кўп смартфонлар (73,8 фоиз) саккиз ядроли процессорларда ишляпти. Тўрт ядроли смартфонлар улуши эса 21,9 фоизга тенг.

**Хотира**

Смартфонларнинг 36,51 фоизи 6 ГБ оператив хотирага эга, 31,7 фоизда эса бу кўрсаткич 4 ГБ га тенг.

Энг кўп тарқаган хотира сифими — 64 ГБ (41,13 фоиз), иккинчи ўринда — 128 ГБ (улуши 24,64 фоиз).

**Android**

Айни пайтда жаҳонда ишлатилаётган смартфонларнинг 61 фоизига Android Oreo ўрнатилган. Иккинчи оммалашган амалий тизим — Android Nougatнинг бу борадаги улуши — 24,07 фоиз.



**ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

## ЭНДИ КОМПЮТЕР ОРҚАЛИ SMS ЙЎЛЛАШ МУМКИН

Microsoft мутахассислари Your Phone иловасига SMS-хабарлар билан синхронлашув имкониятини қўшишди. Энди Windows 10дан фойдаланувчилар SMSларни ўқиш ва жўнатиш имкониятига эга бўлишди, деб хабар бермоқда MS Poweruser.

Тулов худди телефонда SMSдан фойдалангандаги каби олинади. SMS-хабарларни ўқиш ва жўнатиш учун телефонни очиб шарт эмас — мобил қурилма бир марта десктоп илова билан синхронлашса бўлди.

Your Phone — Windowsда ишловчи компютерлар орқали смартфондаги файллардан фойдаланиш имконини берувчи илова. Илгари унинг ёрдамида телефондаги фото ва видеоларни кўриш ва компютерга кўчириш мумкин эди.

**ШАХСЛАР**

## ALIBABA АСОСЧИСИ ПЕНСИЯГА КЕТАЯПТИ

Alibaba холдинги асосчиси ва директорлар кенгаши раиси Жек Ма дунябада — 54 ёшга тўлган куни пенсияга чиқишини маълум қилди.

— Пенсияга чиқиш ҳаммаси тугади дегани эмас, аксинча, ҳаммаси энди бошланади, — деди Ма.



Жек Ма энди бутун эътиборни хайрия ишлари ва таълимга бағишлайди. Аммо Alibaba Group директорлар кенгашида ҳам

ўрнини сақлаб қолиб, компания бошқарувини кузатиб боради.

Forbesнинг 2017 йилги миллиардерлар рўйхатида Ма 38,6 миллиард доллар билан учинчи хитойлик бўлган. У бўлажак холдинга 17 нафар излоши билан 1999 йили ўз квартирасида асос солган.


**МЕССЕНЖЕРЛАР**

## TELEGRAMНИНГ "КЛОН"И ПАЙДО БЎЛДИ

АҚШда ўтган TechCruch конференциясида блокчейнда ишловчи, шифрланган Stealthy IM мессенжери тақдимоти ўтказилди.

Тақдимотга кўра, Stealthy IM ҳимояланган мессенжер сифатида таништирилди. Яъни фойдаланувчилар ахборотни йўқотишдан қўрқимаса ҳам бўлади. У оддий фойдаланувчилар учун бепул, корпоратив мижозлар эса бошланишига озроқ тўлов қилишлари керак бўлади. iOS ва Android учун версиялари ишлаб чиқилган.

Аммо интернет фойдаланувчилари эътиборини бошқа жиҳат тортиди: янги мессенжернинг логотипи Telegramникига ҳоҳиятган жуда яқин — оқ қороз самолётчанинг тумшуги ўн юқори томонга қаратилган...



Telegram Stealthy IM

"Telegram" асосчиси Павел Дуров бу шубҳали мутаносибликка ҳозирча чурқ этгани йўқ. Ҳойнаҳой у "gram" савдо белгиси билан боғлиқ суд машамалари билан андармон бўлса керак.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

(Охири. Бошланиши ўтган сонда.)

— Буниси ҳаммасидан ошиб тушди, — дея пишиқирди у. — Тобутда эркак киши ётибдими, аёлми, нима ишингиз бор? Ахир, жуда қимматли тарихий ашёни барбод қилдингиз-ку!

— Йўқ, мен сиз Қоҳирада яшаган сўнгги кунларда ўта маккорона содир этилган қотилликни фош этдим, холос.

\*\*\*

— Бу тахмин менинг миямга сиз шогирдингизнинг ўғирлик ҳақидаги янгликдан сўнг йиллаб юборишига оз қолганини айтганингиздан сўнг келди. У Лондонга сиздан ўн кун кейин етиб келганини эшитгач, шубҳам янада ортди. Сизга Миср ҳукумати томонидан олиб чиқиб кетишга рухсат берилган юкларни чегарадан олиб чиқишга шунча кўп вақт сарфлангани галати туюлмади?

— Балки, туюлгандир, — мужмал елка қисди сэр Найжел. — Аммо у пайтларда мен бошқа муқимроқ ташвишлар билан банд эдим.

— Қандай муқим ташвишлар эканини билсам керак, — гамгин уф тортдим мен. — Сиз аёлингиздан ажралиб қолгансиз, аммо у улмаган, балки бошқа эркак билан қочиб кетган, шунчами?

— Сиз бун қандай... — Септванс бу гал уятдан шолғомдек қизариб кетди.

Мен тасалли бергандек унинг елкасига қўлимни қўйдим:

— Бу хонада унинг бирор-та ҳам суврати, уни эста соладиган бирор нарса кўрма-



“**Мархум ҳақиқий қаллоб ва товламачи бўлган тақдирда ҳам жиноят жавобсиз қолмаслиги керак.**”

дим. Ахир, сиз ота-онангизнинг суратларини жуда эҳтиёткорлик билан асраб экансиз-ку! Сиз Мисрга боришдан қатъий воз кечингиз ортида бошқа гап борга ўхшайди. Шогирдингиз дўстликка ва касбига хиёнат қилиб, аёлингизни йўлдан урган, бунинг устига оғир жиноят содир этганга ҳам ўхшайди.

— Қотиллик? — Септванс сесканиб кетди. — Айтмоқчисизки, у аёлимни тортиб олиб, кейин ўлдирган, шунчами? Унақада эртагаёқ Қоҳирага учаман-да, анави ярамасни ўз қўлларим билан бўғиб ўлдираман.

— Бунга ҳожат йўқ, деб ўйлайман, — қўл силтадим

мен. — Фикримча, сизнинг аёлингиз соғ-саломат. Сизнинг садоқатсиз шогирдингиз ўша сиз айтган лаънати савдогарни ўлдирган. Болтон ўзига оламшумул шон-шухрат келтириш мумкин бўлган топилмалар йўқолганини билгач, газабдан ўзини тўтолмай қолади. Шубҳа йўқки, сиздан ҳоли тарзда у Ота-Журайжийнинг олдига борган ва уни ўлдирган. Чет элликлар учун Қоҳирада ўликдан кутулиш осонмас. Болтон қадимги мисрликларнинг мўмиёлаш санъатидан пухта хабардор эди. Полдаги қизил доғлар ҳам унинг кирдикорларидан қолган қонли излар эди. Ўзингиз мендан яхшироқ

биласизки, қадимги Миср усулига кўра, жасадни мўмиёлаш учун етмиш кун етади. Ота-Журайжийнинг жасадни маликанинг мўмиёсига айлантиргач, бамайлихотир уни тобутга жойлаб, Англияга юборди. Агар сиз жасадга диққат билан қарасангиз менинг сўзларим ҳақлигига амин бўласиз. Қасос олиш учун эмас, адолат нуқтаи назаридан Қоҳира ҳукуматига бу махфий жиноят ҳақида хабар берсангиз яхши бўларди. Мархум ҳақиқий қаллоб ва товламачи бўлган тақдирда ҳам жиноят жавобсиз қолмаслиги керак.

Рус тилидан Рустам ЖАББОРОВ таржимаси

## ҚИСКА ҲИКОЯЛАР

Қўлга тушганини эмас, обдон танлаб — саралаб ўқинг. Дид ва тафаккурингизни тарбияланг.

ТУРГЕНЕВ

### МАЙДОН ТУЛКИЛАРГА ҚОЛМАСИН

Бир ўрмонда шер ва қоплон дўстлашиб бирга яшарди. Бир-бирини қадрлаб, ҳурмат қиларди. Кунларнинг бирида каттагина гўшт бўлагини топиб олдилар. Шер дарҳол гўштга отилиб ёлғиз ўзи эмоқчи бўлди. Қоплон:

— Эй дўстим, йиллар бўйи бирга жуда яхши яшадик. Кел, бу гўштни ўртасидан бўлайлик. Шу тарзда дўстлигимиз бузилмасин. Биз аҳил ва бирга бўлсак ҳеч ким бизга теголмайди, — деди.

Шер:

— Мен бу ўрмоннинг қиролиман. Гўштни фақат ўзим ейишга ҳақлиман. Сенга бир бўлагини ҳам бермайман, — деди.

Шу тўфайли шер ва қоплон уруша бошладилар. Шундай бўғишчиларки иккиси ҳам олган яралари сабаб кўп қон йўқотиб ўлдилар.

Ўша ердан ўтиб кетаётган бир тулки гўшт олдига ўтирди. Уни паққос туширгач, шундай деди:

— Шерлар ва қоплонлар, манфаат учун дўстликларидан

кечиб, тез-тез шундай жанжал қилсалар жуда гўзал бўлади, майдон тулкиларга қолади.

### ҚИЗИМ ЭШИК ОЧАДИ

Турмуш қурганларининг биринчи кунда келин-куёв эшикни ҳеч кимга очмасликка қарор қилдилар. Биринчи бўлиб ўша кун куёвнинг ота-онаси ёш оилани кўришга келди, эшик ортида туришибди. Келин-куёв бир-бирига қаради, куёв эшикни очишни истади, лекин қарорлари тўфайли эшикни очмади. Шундай қилиб ота-она кўп кутмай қайтиб кетдилар. Бироз вақтдан кейин келиннинг оиласи келди. Келин-куёв шартлашувларига қарамай бир-бирига термулди. Келин кўзида ёш билан “бундай қилолмайман”, деб эшикни очди. Куёв ҳеч нима демали...

Ёш оила бирин-кетин тўрт ўғил фарзанд кўришди. Кейинроқ тўрт ўғил ордидан қиз фарзанд дунёга келди. Ота, янги тўғилган чақалоқ учун катта тантана ўтказишни истади ва ҳамма танишларини таклиф қилди. Хотини эридан нима учун тўрт ўғилга бундай тантана ўтказмай, қизи учун кат-

та тантана қилганини сўради. Эр ўйчан нигоҳ билан шундай жавоб берди:

— Чунки қизим менга эшикни очади!

### ОҚШОМГАЧА ЯШАШИМНИ БИЛМАСДИМ!

Мақка... Қария ва бир ёш йигит овлоқ ерда гаплашиб ўтиришибди. Олдиларига яхшигина кийинган бир одам келди. Йигитнинг олдига бир ҳамён олтин қўйди. Йигит:

— Саломат бўлинг, лекин пулга эҳтиёжим йўқ.

— Майли, мен сенга беряпман, истасанг сарфла, истасанг фақирларга бер.

Йигит ҳамённи олди, дарҳол ўзи билан эҳтиёмандларга тарқатди.

Қария ўша кун оқшомда йигитни бир кишидан ёрдам сўраётганини кўриб, сўради:

— Нимага бир ҳамён олтиндан ўзинга ҳам олиб қўймадинг?

Йигит шундай жавоб берди:

— Оқшомгача яшашимни билмасдим!

Туркчадан Марям ОСИЁ таржимаси

# ҚОНУН УСТУВОР БЎЛСА...

Хуқуқий давлат тушунчаси ва таълимотига Афлотун, Арасту сингари алломалар умумий кўринишда бўлса-да, ўз фикрларини билдирган. Хуқуқий давлатда қонун устуворлигига аҳамият берган Афлотун шундай дейди: “Қайси давлат кимнингдир ҳукмронлигида бўлиб, у ерда қонунлар ишламаса, ҳеч қандай кучга эга бўлмаса, ўша давлатнинг ўлимга қараб бораётганини кўраман. Қарда қонун ҳукмдор устидан ҳукмрон бўлса, мен давлатнинг сақланаётганлигини, гуллаб-яшнаётганлигини кўраман”.

Миллий давлатчилигимиз тарихига назар ташласак, “Авесто”, “Сийёсатнома”, “Ҳидоя”, “Қобуснома”,

“Қутадғу билиг”, “Темур тузуклари” каби бебаҳо асарларимизда, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби буюкларимиз ижодларида демократия ўз ифодасини топган ва улардан миллий давлатчиликни шакллантиришда самарали фойдаланилган. Ушбу қимматли манбаларда демократик жамият атамаси бугунги қараш ва мезон даражасида бўлмаса-да, демократик жамиятга хос бўлган айрим хусусиятлар, қадриятлар яққол кўзга ташланади. Ўз даврининг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Бериий ва Абу Али ибн Синонинг давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир.

Улар ҳар бир қараш, кузатиш ҳамда тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интилган ва барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган биринчи устувор йўналиши демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш масалаларига қаратилган.

Демократия — юксак маънавият, фуқароларнинг ички маъданияти ва интеллектуал

имконияти, уларнинг барча учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўлиқ риоя этиши, инсон ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини, умумхалқ, умумдавлат манфаатларини ҳимоя қиладиган, барчани қонунларга бўйсуниб яшашга ундайдиган умуминсоний, ҳуқуқий ва маънавий қадрият ҳисобланади.

Давлат фелдъегерлик хизмати шахсий таркиби иштирокида бўлиб ўтган “Шарқона ва ғарбона демократия” мавзудаги маърифат дарсида ана шулар ҳақида сўз борди. Йиғилганлар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Н.АБДУСАМАТОВ,**

**ДФХ катта инспектори, майор**

## ФУТБОЛ

### Ўзбекистонлик 20 нафар бола Мадриднинг “Реал” клуби академиясида тажриба оширади

Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ташаббуси билан “Реал Мадрид” клуби академияси ва УФА ўртасида тузилган келишувга асосан, жорий йилнинг июн ойида Мадриднинг “Реал” жамоаси мутахассислари Карлос Алберт, Мануэл Агуадо Хил ва Эктор Висентелар Real Madrid Foundation Clinic дастури бўйича юртимизга ташриф буюришган эди.

Ушбу келишувнинг иккинчи қисмига биноан мадридлик мутахассислар томонидан танлаб олинган 20 нафар бола Real Madrid Foundation Clinic дастури бўйича мастер классларда иштирок этиб, тажрибаларини ошириш мақ-



садида Испаниянинг Мадрид шаҳрига юборилмоқда.

Улар сафар давомида Мадриднинг “Реал” жамоаси академияси билан танишишди, жамоа тарихи ҳақида маълумот олиш учун “Реал” клуби музейига саёҳат қили-

шди, испаниялик мутахассислар томонидан ташкил этиладиган мастер классларда иштирок этишди ва яна жамоада тўп сураётган машҳур футболчилар билан учрашув ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

## ТАЭКВОНДО

### Рақибларга имконият қолдирилмади

Қозғистоннинг Атирау шаҳрида таэквондонинг WTF тури бўйича Қозғистон I Очиқ чемпионати рейтинг мусобақаси бўлиб ўтди.

15 мамлакатдан 400 нафарга яқин спортчи — Олимпиада, Осиё уйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари иштирок этган турнирда бир қатор спортчиларимиз ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, бронза ва кумушдан кўра олтин медаллар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлдilar.



Жумладан, Чарос Қаюмова, Мадинабону Маннопова, Шоҳрух Ражабов, Аббор Тўраев олтин, Шухрат Салаев ва Шаҳбоз Дўсматов кумуш ҳамда Темур Уралов бронза медалларига сазовор бўлишди.

Таэквондочиларимиз мазкур ютуқлари билан Токиода ўтадиган Ёзги Олимпиада уйинларига рейтинг очколар йиғишга киришди. Икки йил давомида шу каби рейтинг мусобақаларда қимматли очколарни тўплаб боришди ва яқунда энг яхши рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган спортчилар 2020 йилги Олимпия уйинларига лицензияни қўлга киритишди.

## Африкага навбат келди

Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ)нинг 7 сентябрда Буэнос-Айресда ўтказиладиган навбатдаги сессиясида 2022 йилда бўлиб ўтадиган Ўсмирлар ўртасидаги IV Олимпия уйинларига мезбонлик қилувчи давлат номи эълон қилинди.

ХОҚ президенти Томас Бах номзодга тўхталаркан қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди:

“Африкага навбат келди... Африка кўплаб машҳур спортчиларнинг ватани. Африка ёшлар қитъаси. Шу муносабат билан биз 2022 йилги Ўсмирлар олимпиадасини Африка қитъаси мамлакатини Сенегалга топширдик. Улар ёшлар ва спорт учун кучли лойиҳани тақлиф этди.”

Жорий йилнинг феврал ойида ХОҚнинг Пхёнг Чангдаги сессиясида ҳамма бир овоздан 2022 Ўсмирлар олимпиадасини Африка қитъаси мамлакатига топширишни эътироф этганди.



## ЖЧ-2030

### Осиёнинг тўрт давлати биргаликда ЖЧ-2030га мезбонлик қилиши мумкин

ЖЧ-2030 Осиёда бўлиб ўтиши мумкин, дея хабар тарқатди Уопһар агентлиги. Манбага кўра, Жанубий Корея ҳукумати ушбу мундиалга Хитой, Япония ва КХДР давлатлари билан биргаликда қўшма ариза топширишни режалаштирмоқда.

“Шу тариқа биз Осиё шимол-ғарбинини Корея яриморали билан боғлашга эришишимиз



мумкин”, — дея тушунтирган Жанубий Корея спорт вазири То Чон Хван.

Агентлик хабарида қўшимча қилинишича, жанублик корейслар 2032 йилги ёзги Олимпиада мезбонлиги учун ҳам КХДР билан биргаликда ариза топшириш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Аввал ўзаро уруш вазиятида бўлган мамлакатлар ушбу турнирни ўз пойтахтлари — Сеул ва Пхенянда ташкил этишлари мумкин. Эслатиб ўтаамиз, 2020 йилги ёзги Олимпиада Япония пойтахти Токиода бўлиб ўтади.

## БОКС

### Фазлиддин Ғоибназаров Уилберт Лопес билан жанг қилади

Рио Олимпиадаси чемпиони, бугунги кунда профессионал боксда фаолият олиб бораётган боксчимиз Фазлиддин Ғоибназаров 20 октябр куни узининг навбатдаги жангини ўтказди, деб хабар беради Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати.

Фазлиддинга профессионал рингдаги 6-жангиди америкалик боксчи Уилберт Лопес рақиб бўлади.

Маълумот учун, Фазлиддин шу кунгача профессионал рингда 5та жанг ўтказиб, уларнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилган. Жанглarning 2та-

сида нокаут эвазига рақибларини мағлуб этган.

Лопеснинг тажрибаси бу борала кўпроқ: профессионал рингда 34та жанг ўтказиб, 23та-сида ғалаба қозongan, 15тасида рақибларини нокаутга учратган, 9та тўқнашувда мағлубиятга учраган.

# АСЛИНИ БИЛМАЙ, ХУЛОСА ЧИҚАРМАНГ

Ҳақиқий устоз бўлмоқ осон иш эмас. Зеро, устоз шоғирларига нафақат фанларни ўргатиши, балки ҳаётда учраши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларга ҳам тайёрлаб бормоғи лозим.

Педагогика институти ўқитувчиси талабаларга ана шулар ҳақида гапирар экан, бир ибратли воқеа ҳақида сўзлаб берди.

...Денгизда эрхотин сузаётган кема чўка бошлабди. Кемада оз миқдорда кутқарув қайиқлари ҳам бўлиб, фақат бир кишилик экан. Уларга ана шу қайиқлардан бирини беришибди. Кема чўка бошлаганида, эр аёлини орда қолдириб, ўзини кутқарув қайиғига отибди. Аёл гарқ бўлаётган кемада қолар экан, кўзларида жиққа ёш билан биргина жумла айтибди.

Ҳикоя шу ерга келганида устоз талабалардан сўради:

— У турмуш ўртоғига нима деди, биласизларми?

Аксар талабалар бир хил жавоб беришди:

— Сендан нафратланаман! Кўзларим кўр бўлиб яшаган эканман, деган, — дейишди.

Устоз бир талабанинг бошқаларнинг фикрига қўшилмай, хаёлларга чўмиб, жим ўтирганини кўриб:

— Сенинг фикринг қандай? — деб сўради.

У бир нуқтага қараб қолган нигоҳини узмасдан:

— Боламга ғамхўрлик қилинг! — деган деди. Талабанинг жавобидан устоз ажабланиб:

— Сен бу ҳикояни олдин ўқиганмисан? — деди.

Бола:

— Йўқ, лекин, менинг онам ҳам касаллик туфайли ўлаётган вақтларида, дадамга айнан шу сўзларни айтиб, ва-

фот этгани, — деди.

Устоз:  
— Жавобинг тўғри! — деди ва ҳикояни давом эттирди. — У киши уйига етиб олибди ва фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб, вояга етказибди. Бир неча йиллар ўтиб, у ҳам бу дунёни тарк этибди.

Бир куни унинг қизи отасининг кундалик дафтаридан хотираларини ўқиб ўтирар экан, онасига докторлар ўлимига олиб борадиган қаттиқ касалликка чалинганини, умридан саноқли кунлар қолганини айтганларидан сўнг, ота-онаси денгиз саёҳатига чиққанларини, кутқарув қайиғи бир кишилик бўлиб, отаси унда ўзини кутқарганини ёзиб:

“Сен эмас, мен чўкишимни, сен эса яшагингни қанчалар истаганимни билсайдинг! Лекин, сен ўлимга сабаб бўладиган касалликка чалинганинг, охириги кунларингни яшаётганинг. Қизалогимизни

чиرويلى ҳаёт билан таъминлаш фикри менда бошқа танлаш имкониятини қолдирмади (яъни, сен тирик қолсангу озгина яшаб вафот этсанг, фарзандимиз сарсон қоларди). Шу қийин танлов сабаб, виждоним умр бўйи мени азоблади. Доим шуни эслашиб турди!” деганини ўқиди.

Хонага сукунат чўкди. Устоз талабалар бу ибратли қисса ифодалаган, ҳаётда англашимиз қийин бўлган нарсаларнинг ортда кўплаб мураккабликлар бўлиши мумкинлигини тушуниб олганларини, ўзи эса кўзлаган мақсадига етганини фахмлади...

Бу воқеадан шуни тушуниш мумкинки, бирор бир воқеага баҳо беришда шовилмаслик, аввало воқеанинг аслини биллиб, сўнг хулоса чиқармоқ лозим.

Саида РАҲМАТОВА  
тайёрлади



## ҲАЁТ



### Беш нарсa беш нарсa билан катталашади:

- Гулхан — ўтин билан;
- Шубҳа — гумон билан;
- Кўполлик — ёмон муомала билан;
- Хусумат — хатоларни ўзаро кечириб юбормаслик билан;
- Яқинлар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши — ҳол-аҳвол сўраб турмаслик билан.

### Беш нарсa беш нарсa билан ёқимли бўлади:

- Соғлиқ — яхши ҳаёт билан;
- Сафар — яхши ҳамроҳ билан;
- Чирой — гўзал хулқ билан;
- Уйку — хотиржамлик билан;
- Тун — Аллоҳнинг зикри билан.

## ТАВСИЯ

### ТАРВУЗ ШАРБАТИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Бутун бозорларимиз мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан тўлиб-тошган. Улардан тўйиб истеъмол қилган киши йил давомида ўзини бардам сезади. Лекин бу маҳсулотлардан гўзаллик йўлида фойдаланиш мумкинлигини биласизми, масалан тарвудан?

Ҳамма севиб истеъмол қиладиган бу полиз маҳсулотининг гўзаллик борасидаги таъсири ҳақида сўз юрита туриб, тарвузли парҳез ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. 100 грамм тарвuz эти атиги 38 Ккал.га эга эканлиги туфайли унинг ёрдамида ортиқча вазндан қутулиш мумкин. 90 фоизи сувдан иборат тарвuz пектин, ўсимлик оқсилли, минерал моддалар (темир, калий, кальций, магний, фосфор, натрий ва ҳ.к), шунингдек, Б гуруҳидаги витаминларга бой. Тарвuzнинг косметикадаги устун жиҳати у ёғли ва қуруқ терига бирдай тўғри келиб, уни тетиклаштиради.



Тарвuz шарбати ажойиб тетиклаштирувчи восита бўлгани учун терининг осилиб қолишига қарши ундан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун тарвuz шарбатига салфеткани намлаб, уни терига 15 дақиқа ушлаб туриш кифоя қилади. Бунда тарвuz шарбати илиқ бўлиши лозим.

Тарвuz шарбатидан тайёрланадиган муз бўлакчалари ҳам машҳур саналади. Терини таранглаштириш ва тетиклаштириш учун тарвузли муз бўлакчасини юзга суриб, унинг шарбатини 10-15 дақиқа қолдириш керак. Сўнгра

юзни совуқ сув билан ювиб, одатий кремдан суриш лозим. Тарвuz шарбатига ўрик шарбатини қўшиб орқали терини тозалаш мумкин. Бу аралашма нормал ва қуруқ юз териси учун тўғри келса, ёғли юз териси учун тарвuz шарбатига бодринг шарбатини қўшиб тавсия этилади.

Терини намлантириш учун тарвузли лосён тайёрлаш мумкин. Бунинг учун тарвuz этини эзиб, ундан шарбат ажралиб чиқиши учун бир неча соатга қолдириш керак. Ундан шарбатини сиқиб олгандан кейин, бир ошқошиқ асал ва шунча туз қўшилади. Ҳосил бўлган аралашмага 200 мл. арақ қўшиб, шиша идишга солиб қўйилади. Бундай лосёни совуқ жойда сақлаш лозим.

Тарвuz этидан тайёрланган бўтқани юзга 15-20 дақиқага суриб қўйиб уни қақатгина озиқлантириш қолмай, тери рангини ҳам яхшилайди.

**Xabar**

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ,  
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВ, Лутфилло  
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нархда.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-943 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 2914 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,  
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.  
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78  
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Анджизонда 226-47-80 (0365)600-87-21 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 291-43-28 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99